11 ФЕВ 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ШАЪБОН, 4-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ДАЛВ, 21-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА, 30-СОН • 281 • | НАРХИ обуначига 15 тийин, сотувда 60 тийин.

АСРЛАР ОША ҚАДРИ ОШАЁТГАН ЎЛМАС ДАҲО

9 ФЕВРАЛЬ—Алишер Навоий таваллуд топган кун.

Ана шу кунда туғилган барча ватандошларга «Халқ сўзи» табриги ва таъзими



Шеъриятимизнинг буюк тождори.

С. МАҲҚАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ («ЎЗДОНМАҲСУЛОТ») ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг нoввойхона, тегирмон ва омихта ем саноати корхоналари ва бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамда меҳнат жамоаларининг таклифларини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазирлиги тугатилсин ва унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари («Ўздонмаҳсулот») давлат концерни ташкил этилсин.

2. «Ўздонмаҳсулот» давлат концерни Ўзбекистон республикаси дон маҳсулотлари вазирлигининг ҳуқуқий вориси деб ҳисобланиб, унинг зиммасига:

Республика халқ хўжалигини ва аҳолисини овқатбоп дон, ун ва нон, қандолат маҳсулотлари, омихта ем билан таъминлаш;

Тармоқда ягона технология сиёсатини амалга ошириш;

Новвойхона, макарон, тегирмон-ёрма ва омихта ем саноати корхоналари ва бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 6 февраль.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

— Асосий масалага ўтишдан илгари, — деди Президент, — кейинги вақтда республикамиз ички ва ташқи сиёсатида рўй бераётган муҳим воқеалар ҳақида қисқача гапириб ўтсам. Чунки илгари йиғилишларда нуқул пахта ёки бошқа қишлоқ хўжалик ишлари ҳақида сўзланиб, у ёки бу раҳбарни «дўппослаш»дан нарига ўтилмасди. Мана, ниҳоят, биз ҳам мустақил республика бўлиб, давлатимиз иқтисодиёти, ташқи олам билан олиб бораётган алоқаларимиз ҳақида очиқ-ойдин гапириш имкониятига эга бўлдик. Бугунги кунда Ўзбекистонни 89 мамлакат мустақил давлат сифатида тан олди. Улар биз билан иқтисодий алоқалар боғлашга шайланиб туришибди.

И. А. Каримов ўз нутқида хорижда Ўзбекистон Республикасининг обрўси тобора ортиб бораётганлиги ва у Европа Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Айниқса Швейцарияда иқтисод масалаларига бағишлаб ўтказилган умумжаҳон анжумани чоғида чет элликлар Ўзбекистонга алоҳида эътибор билан қараганликларини айтди.

— Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кириши, — деди нотиқ, катта сиёсий воқеа бўлади. БМТ Бош ассамблеяси бу масалани муҳокама этиш арафасида турибди.

Шундан сўнг Президент Республиканинг иқтисодий салоҳияти, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ўртасида тутган ўрни ҳамда яқин келажакдаги истиқболи ҳақида батафсил гапирди. Айниқса бу йил баҳор деҳқонлар учун янада масъулиятли эканлиги, жумҳуриятимизнинг иқтисодий тангликдан чиқиб олиши кўп жиҳатдан эртанги экинлардан олинадиган ҳосилга боғлиқ эканлигини уқдириб ўтди.

Сессияда вилоят ҳокими тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика Президенти томонидан тайинланган С. Д. Сайдалиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди. У шу вақтга қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келар эди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев иштирок этди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ОЗОДЛИККА ЧИҚҚАНЛАР МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА БЎЛИШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ҚОМИТЕТИДА

1992 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат комитетининг мажлиси бўлди. Комитет ўз ташаббуси билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан қутулиб келган шахсларни маъмурий назорат остига олиш масаласини кўриб чиқди.

Қабул қилинган хулосада таъкидланадики, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қутулиб келган шахсларни ошкора маъмурий назорат остига олиш Ўзбекистон Республикаси Ахлоқ-тузатиш-меҳнат мажмуасининг 121—123-моддаларига асосан ўрнатилади.

Бундай мажбурий тадбирнинг моҳияти ички ишлар идораларининг илгари судланган шахсларнинг хулқ-атворини кузатиб бориш, уларга нисбатан қонунда белгиланган чеклашлар, тарбиявий, профилактик ва бошқа чораларни қўллашга доир саъй-ҳаракатларидан иборатдир. Қонун ўрнатувчининг фикрига кўра илгари судланган шахсларни ошкора маъмурий назорат остига олишдан мақсад фуқароларнинг ана шу тоифаси томонидан содир этиладиган жамиятга қарши хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликдир.

Жиноятчиликка қарши кураш аҳволи ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг имкониятлари умуман бундай мажбурий чора самара келтиришидан далолат беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг озодликдан маҳрум этиш жойларидан қутулиб келган шахсларни маъмурий назорат остига олишга доир амалдаги қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52 ва 55-моддаларига, Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига, инсоннинг яшаш жойини эркин танлаш ва давлат ҳудудида бемалол ҳаракат қилиш ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берадиган бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга номувофиқдир.

Назорат остидаги шахсларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий, маънавий-ахлоқий ва моддий чеклашлар суддан ташқари тартибда белгиланаяптики, бу эса қонунчиликни бузиш учун шарт-шароит яратиб беради, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда амалга оширишнинг конституциявий қоидаларига зиддир.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳужжатларнинг қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37, 52, 53 ва 55-моддаларини озодликдан маҳрум этиш жойларидан қутулиб келган шахсларни маъмурий назорат остига олишни белгилаш ва қўллаш ҳақидаги қонунчиликда тўласинча амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат тўғрисидаги қонуни 23-моддасига биноан Конституциявий назорат комитети шундай хулосага келди:

1. Алоҳида хавфли жиноятчиларни жамиятга қарши хатти-ҳаракати бўлмаган тақдирда маъмурий назорат остига олиш, илгари судланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суддан ташқари тартибда чеклаш халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатлаб қўйилган фуқароларнинг шахсий эркинликка, бемалол ҳаракат қилишга доир ҳуқуқларини камситишдир, деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахлоқ тузатиш-меҳнат мажмуасининг 122—123-моддаларига ўзгартишлар киритиш, бунда озодликдан маҳрум этиш жойларидан қутулиб келган шахсларни маъмурий назоратга олишни ўрнатишнинг суд тартиби белгилаб қўйилиши зарур, деб ҳисоблансин;

тегишли тартибда ашаддий жиноятчилар деб эътироф этилган шахсларга нисбатан ўрнатиладиган маъмурий назорат суд томонидан белгиланадиган ҳамда улар умуман тузалишни мутлақо истамаётганликларига доир гувоҳликлар етарли бўлган тақдирдагина қўлланиладиган норма киритилиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат тўғрисидаги қонуни 23-моддасига мувофиқ ушбу хулоса қараб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритилсин.

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЖЕЙМС БЕЙКЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ж. БЕЙКЕР

Жеймс Эддисон Бейкер (Йамес Аддисон Бакер) АҚШ давлат арбоби.

1930 йил 28 апрель куни Техас штатининг Хьюстон шаҳрида иши юришиб турган ҳуқуқшуноснинг бадавлат оиласида дунёга келган.

Отаси — Жеймс Эддисон. Онаси — Боннер (Минзда туғилган).

Пенсильвания штатидаги аслзодаларнинг фарзандлари ўқийдиган «Хилл скул» мактабини битирган. 1952 йилда Принстон дорилфунунини тугатиб, ижтимоий фанлар бакалаври даражасини олган.

1952—54 йилларда АҚШ денгиз пиёда қўшинларида хизмат қилган.

1957 йилда Принстон дорилфунунини ҳуқуқ бакалаври даражаси билан битириб чиққан.

1957—81 йилларда Техас штати Хьюстон шаҳридаги «Эндрюс, Кэрт, Кэмпбелл энд Жоунс» ҳуқуқий фирмасининг адвокати.

1957—76 йилларда Ж. Форд маъмуриятида савдо вазирининг ўринбосари.

1981—85 йилларда — Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари.

1985—88 йилларда — Р. Рейган маъмуриятида молия вазири.

1989 йил январидан — АҚШ давлат котиби.

Президент Ж. Форд (1976 йил), Р. Рейган сайловолди кампанияларида қатнашди, Ж. Буш сайловолди кампаниясига раҳбарлик қилди, президент Ж. Бушнинг қалин дўсти ва маслаҳатчиси.

Америка ҳуқуқшунослар жамиятининг аъзоси.

Техас штати ва Хьюстон шаҳри ҳуқуқшунослар уюшмасининг аъзоси.

Сюзан Гарриеттга уйланган (1973 йил).

Саккиз фарзанди: биринчи никоҳдан тўрт фарзанди (хотини Мэри 1970 йилда вафот этган), Сюзаннинг биринчи никоҳидан уч фарзанд ва иккинчи никоҳдан Мэри Боннер исмли қизи бор.

(РАТА—ТАСС, 6 февраль).

ТАЛАБАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ

ҚУВА. «Гулистон» колхози меҳнат жамоаси кенгаши талабаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида 60 минг сўм пул ажратди.

СОБИҚ Иттифоқнинг турли шаҳарлари, хорижий мамлакатлар олий илмгоҳларида таҳсил олаётган талабалар моддий ҳимояга айниқса муҳтождирлар. Шуни ҳисобга олган хўжалик меҳнат жамоаси кенгаши хориждаги талабаларга ойига 300 сўмдан, мамлакатимиздагиларга 200 сўмдан нафақа тайинлашди.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ВАТАНДОШЛАР!

«Комсомольская правда» рўзномасининг шу йил 4 февраль сонида босилган «Масжидлар соясидаги руслар» мақоласи биз, ёзувчиларни чексиз ғазаблантирди ва қаттиқ изтиробга солди.

Москва матбуоти саҳифаларида халқимиз, юртимиз шаънига тўхтовсиз отилаётган иғво тошларига ҳар ҳолда тишни-тишга босиб бўлса-да чидаб келаётгандик, аммо «Масжидлар соясидаги руслар» мақоласи ҳаммасидан ошиб тушди. Ўзингиз ўйлаб қаранг, муаллифлар Д. Сабов, И. Черняк бу гал озмас-кўпмас, она юртимизнинг бир бутунлиги ва дахлсизлигига дахл этишаяпти. Қарғадек қағиллаб, ёвуз башорат қилишаяпти. Эмишки, Ўзбекистон Республикаси келажакда Қўқон, Бухоро, Хоразм ва Тошкент давлатларига бўлиниб кетармиш... Бу муқаррар бир ҳол эмиш...

Бу қандай юзсизлик, бу қандай разолат!.. Фарғона фожиалари арафасида генерал Дидоренко ҳам шундай башорат қилганди ва кўп ўтмай Фарғона ўтга чулғанганди...

Демак, қайлардадир Ўзбекистонни парчалаш режалари тузилаяпти... Балки бунга зарур маблағ ва куч ҳам ажратилгандир...

Азиз юртдошлар, ватандошлар!

Қўлни қўлга бериб бир халқ, бир миллат эканлигимизни дунёга намойиш этайлик. Иғвогарларнинг иғвосига, ғаламисларнинг қутқусига учмайлик. Биз якдил, аҳил ва ҳамжиҳат бўлсак, ғанимлар муддаоларига эриша олмайдилар. Она Ўзбекистонимизнинг бирлиги, бир бутунлиги ва мустақиллигини кўз қорасидек асрайлик!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибияти.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● Собиқ СССРнинг собиқ Президенти Михаил Горбачев АҚШ элчиси Роберт Страусс билан учрашди. Элчи унга Америка Президентининг мактубини топширди. Учрашув Россия телевидениеси орқали кўрсатилди. Собиқ Президент «Вести» теледастури мухбири билан қисқа суҳбатда Россиянинг ҳозирги раҳбарияти тутган йўлни қўллаб-қувватлашини айтди. «Мен бу йўлни қўллабгина қолмай, ҳимоя ҳам қиламан», — деб ваъда берди у. М. Горбачев Егор Гайдарнинг иқтисодий ислоҳотларини ҳам қўллаб-қувватлашини айтди ва бу ислоҳотларни амалга оширишда ҳукуматга муваффақиятлар тилади.

● Ироқнинг жануби-ғарбий қисмида ироқлик шиалар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида жуда катта қуролли тўқнашувлар рўй берди, деб ёзади Мисрда чиқадиган «Ал-Аҳром» газетаси Америка ҳарбий манбаларига таяниб. Шиалар мамлакат жанубидаги стратегик жиҳатдан муҳим йўлни ўз назоратларига олиб, Бағдод тузумига содиқ қўшинларнинг қисмларини кичик аҳоли истиқомат ерларидан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Ана шу ерларни ҳаводан туриб қўриқлаётган америкалик ҳарбий учувчилар ҳарбий ҳаракат бўлганлигини қайд этдилар.

● Президент Борис Ельциннинг фармонига биноан Россия Федерацияси ҳукуматида Кинематография комитети ташкил этилди. Таниқли кино арбоби ва танқидчи Армен Медведев унинг раиси қилиб тайинланди.

● «Покистон Кашмир халқининг озодлик учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлайди. У яқинда озодликка чиқади ва эркин нафас олади», — деди Покистон бош вазири Навоз Шариф. Исломобод маъмуриятининг бошлиғи Покистоннинг бутун ҳудудида ўтказилган «Кашмир билан бирдамлик куни» доирасидаги тадбирларда қатнашиш учун «Озод Кашмир»нинг маъмурий маркази Музаффарободга келди.

Жамму ва Кашмир штатини Ҳиндистондан ажратиб олиш учун ҳаракат қилаётган экстремистик кайфиятдаги гуруҳларнинг вакиллари Ҳиндистонга қарши чиқишлар бўлаётган пайтда, 11 февраль куни Ҳиндистон ва Покистон назоратидаги Кашмирнинг бир қисмини ажратиб турган чизиқдан ўтишга ҳозирлик кўришмоқда.

● Қозоғистон Олий Кенгаши «Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкини хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида» қонун қабул қилди. Бу ҳужжат меҳнат жамоалари ва алоҳида деҳқонларнинг ўз меҳнатлари ҳақиқий эгалари бўлишлари учун кенг имкониятлар очиб беради.

● Форс кўрфазидаги араб мамлакатларида беш миллион ишчи бор. Ҳозир уларнинг саксон фоизини хорижий ишчилар ташкил этади. «Сауди газетт» хабар этишича, кўрфаздаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши мутахассислари ўтказган социологик тадқиқотлар натижаси шундан далолат беради. Хорижий ишчилар сони тез кўпайиб бораётгани жиноий муҳитнинг кескинлашувига олиб келди. Уларнинг қорадори билан яширин савдо-сотиқда тобора кўпроқ қатнашаётганликлари Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Омон ва Катар мамлакатлари раҳбариятларини айниқса ташвишлантирмоқда.

● «Матросская тишина» қамоқхонасида ўтирган ГКЧП аъзоси, «Новомосковское» деҳқончилик-саноат бирлашмасининг раиси В. Стародубцев ўз жамоасини ДСБни яшашга қодир тузилма сифатида сақлаб қолишга даъват этди. Унинг юртдошлари ва қўл остидаги одамлар деҳқончилик-саноат бирлашмасини акционерлик жамиятига айлантириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Жамият бозор муносабатлари талаблари асосида иш олиб бориши керак. Янги тузилма низоми ишлаб чиқилмоқда.

● Тошкент вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг қарорига биноан «Фахрийлар китоби» нашр этиладиган бўлди. «Машъум уруш туфайли миллионлаб кишилар қалбига тушган жароҳат излари ҳали ҳам сақланиб келмоқда, — дейди кенгаш раиси А. П. Алимов. — Даврлар ўтиши билан фашист босқинчиларига қарши курашган оталаримизнинг муборак номлари янада қадрлироқ бўлиб қолади. Вилоятимиздан урушга кетган кўп кишилар ўз жонажон юртларига қайтиб келганлари йўқ. Россия, Украина, Беларусь ва бошқа республикаларнинг шаҳару қишлоқларида ҳамюртларимиз жасоратини ифодаловчи ёдгорликлар ўрнатилган. Биз урушдан қайтиб келмаган барча кишиларнинг азиз номларини «Фахрийлар китоби»га бирма-бир ёзишга қарор қилдик. Бу осон иш эмас, албатта. Шу кунларда ишчи комиссияси аъзолари аниқ дастур асосида ҳаракат бошладилар. Хайрли ишни амалга оширишда жамоатчилик ташаббусидан самарали фойдаланилмоқда».

Китоб рангли суратлар билан безатилиб чиқарилади.

● Судан ҳарбий раҳбарлиги «Ислом инқилоби соқчилари» корпусини туза бошлади. У Эрондаги корпусга ўхшашдир, деб хабар қилди Мисрда чиқадиган «Ал Вафд» газетаси Судандаги хабардор манбага таяниб. Айтилишига қараганда, бу ишда Эрон зарур ёрдам беради. «Соқчилар» корпусини тузиш ғоясини Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний яқинда Суданга ташрифи вақтида айтди ва бу ишда Эрон ёрдам қилишига кафолат берди.

Оғир қуроллар билан таъминланган қисмлар ҳам кирадиган корпус Суданнинг ҳарбий раҳбари генерал ал Баширга бевосита бўйсунади.

● Москванинг Гоголь хиёбонидаги «Сураткашлар марказ»ида ёш немис сураткаш мусаввири Хельмут Фишернинг шахсий кўргазмаси очилди. Лекин унинг ўзи бу маросимда қатнаша олмади. РАТА — ТАСС мухбирига маълум бўлишича, Фишер ўз машинасида Москвага бораётганида йўлда унга қароқчилар ҳужум қилишган. Ҳозир у хотини билан Беларусь Республикаси ҳудудида пулсиз ва бензинсиз ўтирибди.

● Грузия вақтли ҳукуматининг қўшинлари 6 февралга ўтар кечаси Сухумига кирдилар. Абхазия Олий Кенгаши матбуот марказининг раҳбари Беслан Барганжия РАТА—ТАСС мухбири билан телефон орқали суҳбатда Абхазия раҳбарияти қўшинлар киритилиши тўғрисида хабардор қилинганини айтди. Бу республика ҳудуди Кавказорти минтақасида кескинликни келтириб чиқарадиган жой бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Барганжиянинг сўзларига қараганда, ҳозирги пайтда Грузияда аҳволнинг беқарорлашуви ҳеч кимга керак эмас.

● Москвадаги ҳарбий қурувчилар «Ғалаба ёдгорлиги» иншоотида ишламай қўйдилар. Сабаби — шаҳар маъмурияти Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик юзасидан белгиланган тадбирларга бюджетдан маблағ ажратилишига тўсқинлик қилмоқда.

(Ахборот агентликлари ва хориж рўзномалари материалларидан сараланди).

● СИРДАРЁ гўшт комбинатининг колбаса цехи маҳсулот бера бошлади. Олмониянинг юқори унумли асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ушбу ишлаб чиқариш бўлинмасида бир кеча-кундузда 2 тонна сосиска ва ярим дудланган колбаса тайёрланмоқда.

СУРАТДА: илғор дудловчи Муҳсин РАҲМОНҚУЛОВ.
Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзА).

«Халқ сўзи» аралашгач...

«ГЎШТНИНГ НАРХИ»

(1991 ЙИЛ 25 ДЕКАБРЬ)

30 ДЕКАБРЬ куни Тошкент вилояти мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш ширкати бирлашмаси бошқаруви ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб, унда шаҳар, район тайёрлов ва савдо ширкати бирлашмалари раислари ҳамда Олмалиқ шаҳар деҳқон бозори назоратчилари, Янгийўл шаҳар тайёрлов ва савдо ширкати бирлашмасининг қассоблари иштирокида (мақола) муҳокама этилди,— дейилади бошқарув раиси Ж. Эргашхўжаев юборган жавобда.

Ҳайъат Янгийўл шаҳар тайёрлов ва савдо бирлашмасига қарашли дўконлардаги қассобларнинг гўшт нархини ошириб сотганию ўртоқ Абдураим Абдуҳолиқов устидан Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан 1991 йил 25 декабрда жиноий иш қўзғатилганини, Янгийўл шаҳар тайёрлов ва савдо ширкати бирлашмасининг 30 декабрдаги фармойишига асосан гуноҳкор ўз вазифасидан бўшатилганини, қассоб Қ. Раимжонов ва тайёрловчи Т. Боймирзаевга қаттиқ ҳайфсан берилганини ҳисобга олиб, Янгийўл шаҳар тайёрлов ва савдо ширкати бирлашмаси раиси Абдурасуловга ҳайфсан эълон қилди ва ундан ишда қатъий тартиб ўрнатишни талаб этди.

Шунингдек, Олмалиқ шаҳар тайёрлов ва савдо ширкати бирлашмасига қарашли деҳқон бозоридаги сотувчилардан йиғим миқдорини ошиқча олганлиги учун шу бирлашманинг 1991 йил 30 декабрь (56-сонли) фармойишига асосан назоратчи С. Масадиқов ўз вазифасидан четлаштирилганлигию назоратчилар Т. Жандарбеков ва Қ. Отақуловга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинганлигини, уларнинг 13-маоши 50 фоизга қисқартирилганини назарда тутиб, Олмалиқ шаҳар тайёрлов ва савдо ширкати бирлашмаси раиси А. Қоражонов огоҳлантирилди ва унга хизматчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилаш зарурлиги уқтирилди.

Вилоят тайёрлов ва савдо бирлашмаси бозорлар бўлими бошлиғи А. Самиғов ҳам назоратни сусайтиргани учун огоҳлантирилди ва унга деҳқон бозорларида касса аппаратларини ўрнатиш, ишни мунтазам кузатиб бориш юклатилди.

Тошкент вилояти мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бошқармаси раиси муовини М. Муҳаммадалиевга мақоладаги кўрсатилган камчилик ва нуқсонлар қайтарилмаслигини таъминлаш, шаҳар ва районларда гўшт сотишни қаттиқ назоратга олиш топширилди.

МУТАХАССИС ФИКРИ

СУД ҲОКИМИЯТИ

У ҲОЗИР ҚАНДАЙ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДА ҚАНАҚА БЎЛИШИ КЕРАК?

СУД ҳокимиятини тушуниш учун, аввало, ҳокимият нима экани хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ҳокимият инсоният пайдо бўлганидан бошлаб шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Турли тарихий даврларда унинг ҳақида турлича қарашлар, мактаблар таълимотлар вужудга келди. Қадимги юнон олимлари Суқрот (Сократ), Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель), Шарқ мутафаккирларидан Фаробий, Беруний, Фирдавсий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Навоий ва бошқалар давлат, ҳуқуқ, қонунлар ҳақида китоблар, тафсирлар ёзганлар. Ҳокимият энг қадимги диний таълимотларда ҳам кенг шарҳланади. Масалан Авесто, Қуръон, Библия, Веда ва бошқа диний китобларда ҳокимият илоҳийлаштирилади.

Кўриниб турибдики, ҳокимият ҳақида аниқ хулоса айтиш, маълум бир тизимларни илгари суриш мушкул. Аммо шу нарса аниқки, ҳокимият тўғрисидаги қарашлар турлича бўлишига қарамасдан, у ҳар бир давлатда муайян шаклда мавжуд. Бизнинг вазифамиз асрлар давомида инсониятнинг энг илғор қисми — мутафаккирлари томонидан яратилган ва уларнинг асарларида сочилиб ётган ғояларни ўрганиш ҳамда улардан ўз манфаатларимиз йўлида фойдаланишдир. Айниқса республикамизда мустақил ҳуқуқий давлат қуриш жараёни бошланган ҳозирги кунда бу нарса ғоят муҳим.

Ҳокимият деганда биз кенг маънода мамлакатда ҳуқуқий тартибот ўрнатилишини, уни идора этишни тушунамиз. Бошқача айтганда, халқ оммаси ўзининг бир қисм ҳуқуқларидан кечиб, умумий манфаат учун давлат аппаратининг, ҳуқуқнинг жорий қилиниши жамият деб аталади.

Бизнинг мамлакатда ҳокимият фақат ягона таълимот — марксизм, ленинизм асосида қурилди ва ривожланди. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленинлар ҳокимиятни фақат синфий нуқтаи назардан ўрганиб, у «бир синфни иккинчи бир синф устидан ҳукмронлигини таъминловчи куч», «Қурол», «Социалистик давлат ва ҳуқуқ энг адолатли давлат ва ҳуқуқ», «Бизнинг мамлакатда ҳокимият энг демократик ҳокимият», «Халқчил» ҳокимият деган тушунчалар асосида бошқа давлатларни «адолатсизликда», «эксплуататорликда» айблайди. Марксизм-ленинизм ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, моҳияти, шаклини синфийлик билан боғлаб, жамиятда сунъий равишда синфлар, табақалар ўртасидаги курашни кескинлаштирди ва граждалик урушларини авж олдирди. Унинг устига ҳокимиятнинг тақсимланиши назариясини инкор этиб, барча ҳокимиятни марказда тўпланишига раҳнамолик қилди. Натижада мамлакатда партократия, тоталитар ҳокимият вужудга келди.

«Социалистик давлат — бу ярим давлат», «Давлат келажакда барҳам топади» каби қарашларнинг ривожланиши натижасида мамлакатда ҳокимият ўзининг асл моҳиятини йўқотиб, чигаллашиб, кўпчилик функциялари жамоат ташкилотларига (касаба уюшма, меҳнат низоларини кўриш комиссияси, ўртоқлик судлари, халқ дружиналари ва ҳ.к.) топширилган эди. Муҳим давлат аҳамиятига молик масалаларни аввал партия Пленумларида кўрилиши ва унинг қарорларини давлат Олий ҳокимияти томонидан оғишмай бажарилиши мамлакатда ҳокимият характерини тубдан ўзгартириб, жиноятчилик, қонунсизлик авж олишига олиб келди.

Ҳокимият дегани, бизнингча, К. Маркс айтганидек «ҳоким синфнинг диктатураси» эмас, балки Руссо ва бошқалар айтганча, мамлакат фуқароларининг умумий манфаатини қўриқлаш, таъминлаш учун шартнома асосида алоҳида аппаратнинг ташкил этилишидир. Ҳокимиятнинг бош вазифаси — бу ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ҳимоя қилишдан иборат. Модомики, шундай экан, ҳокимият бир синфнинг қўлидаги қурол ҳам эмас, синфлар, миллатлар, халқлар устидан ҳукмронлик қилиб турувчи куч ҳам эмас, ёки қандайдир бир илоҳийлашган, моҳияти мавҳум сирли куч ҳам эмас. Ҳокимият бу синфлар, миллатлар, халқлар ўртасида тинчлик, адолатлиликни, бирликни, қонунчиликни таъминловчи кучдир. Ҳар қандай ҳокимиятнинг манбаини халқ ташкил этади. Халқ оммаси ўз ҳуқуқларини сайловлар, референдумлар, вакиллар орқали давлатни тузишда, уни идора қилишда ҳамда унинг фаолияти устидан назорат қилишда амалга оширади. Халқнинг ҳуқуқи абсалют (мутлақ), чекланмаган ва доимийдир. Бу эса мамлакатда ҳокимиятнинг якдиллигини таъминлашда асосий кафолатдир.

Ана шу маънода ҳокимият ягона бўлинмас бир куч деб ўрганилади.

Аммо тарихдан аниқки, ҳокимият доимо ички қарама-қарши куч таъсирида ривожланади. Биринчиси марказга интилиш бўлса, иккинчиси аксинча, марказдан қочиш кучидир. Биз мамлакатимизда марказдан қочувчи кучларнинг устун келганлиги, марказий ҳокимиятни кун сайин заифлашиб, тарқалаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

XVIII асрда яшаб ижод қилган француз мутафаккири Шар Луи Монтескье ҳокимиятнинг барқарорлигини таъминлаш уни ўта марказлашишга ҳам ва аксинча тарқоқликка юз тутмаслигининг ҳам ягона йўли унинг тақсимланишида эканлигини назарий жиҳатдан исботлаб берган эди. Унинг фикрича, ҳокимият уч қисмга бўлиниши керак. 1. Қонун чиқарувчи (Конгресс, Сенат, Парламент, Олий Кенгаш); 2. Ҳукумат, яъни идора этувчи ва 3. Суд. Уларнинг ҳар бири нисбий мустақилликка эга. Ўз фаолиятларида Конституцияга асосланадилар. Энг муҳими, ҳокимиятнинг тақсимланиши қонун чиқарувчи ҳокимият билан ҳукумат ўртасидаги тафовутлар, келишмовчиликларнинг олдини олади. Яъни мувозанатни сақлайди. Яқин кунларгача биз ҳокимиятнинг тақсимланиши тўғрисидаги назарияни «буржуача» қараш, «нотўғри» деб, унинг тарафдорларини танқид қилдик. Аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, Олий ҳокимиятни якка шахс ёки бир гуруҳ кишилар қўлига топшириш ёхуд ягона партия қўлида тўпланиши оқибат натижада тоталитаризмга олиб келар экан.

Ана шу уч ҳокимиятдан бирортаси бўлмаса, давлат ҳокимиятини амалга ошириш мумкин эмас. Фараз қилингки, қонун чиқарувчи, суд ҳокимияти бўлсаю, бошқарув (ҳукумат) бўлмаса қонунлар, суд ҳукмлари қоғозда қолиб кетади. Чунки уларни ҳаётга тадбиқ қилувчи ташкилот, муассасалар йўқ. Худди шунингдек, ҳокимиятнинг бошқа бирор бўлаги бўлмаса, ҳокимият тўлиқ маънода амалга ошмайди.

Давлатдаги ҳамма ҳокимиятнинг бирлигини Конституция таъминлайди. Шунинг учун ҳам Конституцияни яратиш, унинг барқарорлигини таъминлаш мамлакатда ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги ва яхлитлигини кафолатлайди.

Судга энг мураккаб, муҳим ҳокимият юкланган. У фуқаролар, давлат бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар, кооператив ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари ҳамда бошқа турдаги жамоат ташкилотларининг ҳуқуқларини, озодликларини ва бурчларини ҳимоя қилади. Суд ўз ҳукми билан бузилган қонуний манфаатлар ва ҳуқуқларни тиклайди. Давлат Олий ҳокимияти томонидан қабул қилинган Конституция ва қонунларни мисоли шаҳар қўрғони деб билсак, Суд ана шу қўрғоннинг йиқилган жойларни таъмирлайдиган ҳокимиятдир. Шунинг учун ҳам у Республика номидан ҳукм чиқаради. Унинг ҳукми барча шахслар томонидан бажарилиши шартдир. Оддий фуқародан то Президентга қадар ўз ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилади. Афсуски, 70 йил давомида бизда судга нисбатан муносабат турлича бўлиб, пролетариат диктатураси даврида кўпроқ ҳарбийлашган.

Давлат ҳокимияти иш фаолиятида кўп жиҳатдан бюрократик бошқарув органларига таянди. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, Прокуратура ва бошқаларнинг кўрсатмалари, материаллари судларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди Фавқулодда ҳолат судлари амал қилди. Қатағон йилларида эса кўплаб фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари бузилди. Кейинчалик, «умумхалқ давлати» даврида эса «демократлаштириш» баҳонасида турли-туман «ўртоқлик судлари», «Касаба уюшма комитетлари», «Ҳакамлар судлари», «Ҳарбий трибунал», Ташқи савдо палатаси ҳузурида суд ҳокимиятини амалга оширадиган турли маҳкамалар вужудга келди.

Бизнинг Ўзбекистонда эса Суд ҳокимияти бошқа ҳокимиятлар каби икки томонлама: биринчидан, умумиттифоқда содир бўлаётган бузилишлар; иккинчидан, республиканинг ўзидаги қонунчиликдан оғишлар таъсирида амалга оширилди. Бунинг устига, маҳаллий партиявийликнинг мутлақ ҳукмронлиги ва ҳар қандай судда унинг ҳал қилувчи овозга эга бўлиши, судьяларнинг партия аъзоси эканлиги кабиларни ҳисобга оладиган бўлсак, судлар аллақачон партия, давлат қўлидаги қўғирчоққа айлантирилган эди.

Мамлакатда вазият шу даражада эдики, одил судловни амалга оширишда ёрдам берадиган бошқарув ҳокимиятнинг айрим механизмлари (Прокуратура, ДХК, ИИВ) суд ҳокимиятининг ишларига тажавузкорона тарзда аралашдилар. Уларга ўз тазйиқларини етмиш йил давомида ўтказиб келдилар. Республикада «пахта иши» деб аталган ишда уч мингдан ортиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари прокуратура ва бошқа органларнинг ташаббуси билан поймол қилиниши ана шу усулнинг оқибатидир. Агарда республикада суд ҳокимияти мустақил бўлганида юқоридагича минглаб хатоларга йўл қўйилмас ва айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари 5 — 6 йиллаб суднинг ҳукмисиз бегона юртларда сарсону саргардонликда топталмас эди. Мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти ҳам бир-бири билан боғлиқ уч қонун чиқарувчи бошқарув ва суд органларидан иборат бўлиши керак. Суд соҳасида дадил ислоҳот ўтказиб, маҳкамаларга малакали ҳуқуқшуносларни жалб қилиш зарур. Уларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаб, моддий шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, уларнинг омма орасидаги обрў-эътиборларини таъминлаш керак.

Суд ҳокимиятида энг муҳим масалалардан бири — суд преседентидир.

Шариат ёки мусулмон ҳуқуқи Рим ҳуқуқидан кейин ривожланган, дунёвий аҳамиятга молик машҳур ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқнинг манбаи Қуръон, Ҳадис, Ижма, Қиёс ҳисобланади. Қуръон — оллоҳнинг каломи, Ҳадис — пайғамбарнинг айтганлари, Ижма — кўпчилик ҳуқуқшунос олимларнинг жамоа фикрлари, Қиёс — амалда учрайдиган ўхшашлик (аналогия) бўйича қўлланилади. Мусулмон ҳуқуқида ҳам Рим ҳуқуқидагидек диний нормалар билан бирга қонун ва қоидаларни яхши билган олимлар уларни «имомлар» деб юритишади) бўлганлар. Улардан энг машҳурлари Ўрта Осиёлик Имом Бухорий, Имом Термизийлар бўлиб, бу кишилар Қуръонга тафсир (шарҳ) ёзганлар. Ҳуқуқшуносларга осон бўлишлиги учун фиқҳ, яъни ҳуқуқ илми келиб чиққан. Натижада тўрт ҳуқуқий мактаб юзага келди: Фикҳи Ханафий, Фикҳи Моликий, Фикҳи Шофий, Фикҳи Ханбалий. Кейинчалик кўп томлик тўпламлар (ҳидоя ва бошқалар) яратилди. Шариатда шу нарса муҳимки, Фиқҳ илми қанчалик тараққий қилмасин, Қўръон, Ҳадис нафақат сўзлари, ҳатто харфларини нотўғри талаффуз қилишга йўл қўйилмасин, судлар, ҳуқуқшуносларнинг фаолияти чекланмайди, уларга жуда катта ҳуқуқ ва эркинликлар берилади. Мусулмон ҳуқуқида юқорида келтирилган манбалардан ташқари энг муҳим манба — Рой ҳисобланади. Рой, бу — ҳукм чиқарувчи ўз ички ишончига кўра қарор қилишидир. Асосий манбаларда норма топилмаган ҳолларда ҳакам — қози ўзи мустақил қарорга келади. Ҳозирги мусулмон мамлакатлари Яман Араб республикаси, Покистон, Мисрда шароит билан бирга қонунлар ва судларнинг Қиёс, Рой қоидалари ҳам амал қилади.

Бизнинг мамлакатимиздан бошқа барча тараққий этган Ғарб ва Шарқ давлатларида қозиларни танлаш, жой-жойига қўйиш, одил судловни амалга ошириш суд ҳокимиятининг ихтиёрида бўлиб, Парламент томонидан тасдиқланади ёки сайланади. Масалан, Покистонда бош судья (қозий кузот) президент тавсияси билан Конгрессда сайланади.

Биз республика суд тизимини келажакда эски тоталиатар давлат қўлидаги ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъқиб қиладиган маҳкамадан ҳақиқий одил судловни амалга оширадиган органга айлантиришимиз керак. Бунинг учун, менимча, республиканинг суд ҳақидаги бўлажак қонуни қуйидаги:

— Суд ҳокимияти мустақил ва фақат Конституция, қонунга ҳамда суд тажрибасига биноан иш кўрадиган бўлиши;

— Республикада одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши принципларига асосланиши зарур. Шунингдек, суд олдида фуқароларнинг насл-насаби, ижтимоий ва мулкий мавқеи, мансаби, ирқи ва миллати, жинси, маълумоти, партиявийлиги, тили, динига ва бошқа ҳолатларига қармасдан тенглиги, бош судьяларни Президент тавсиясига кўра республика Олий ҳокимияти томонидан бир умрга сайланиши, суд маҳкамаларининг моддий-техникавий шароитини тубдан яхшилаш таъминланиши лозим. Ва судьяларни тайинлаш ҳамда уларнинг иш фаолиятлари устидан раҳбарлик қилишга маъмурий ва партиявий органларнинг ҳар қандай аралашуви суд ҳокимиятининг ўз ҳуқуқини мустақил ҳокимият сифатида амалга оширилишининг қўпол равишда бузилиши деб баҳоланмоғи керак.

Суд ҳайъатлари, Олий суд аъзолари ва бошқалар республика ҳуқуқшунослари орасида обрў-эътиборга сазовор, кўп йиллик амалий тажрибага эга малакали кишилардан ташкил топган бўлиб, уларнинг турмуш даражалари халқнинг ўртача яшаш даражасидан кам бўлмаслиги, иш жойларида эса одил судловни амалга ошириш шарт-шароитлари таъминланиши керак. Суднинг қарори республика номидан қабул қилинади ва ҳамма учун (Президентдан тортиб оддий ишчигача) миллати, насл-насаби, вазифасидан қатъи назар, бир хил кучга эгадир.

Судлар давлат тилида иш кўрадилар. Зарур ҳолларда эса суд иштирок этувчиларга таржимонлар ёрдамида ўз она тилларида гапириш, ёзиш ҳуқуқларини амалга оширишларини таъминлайди.

Суднинг асосий вазифаси — республика фуқароларининг, корхона, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан, бузилишлардан ҳимоя қилиш.

Суд давлатни кўтариб турган уч устуннинг, яъни уч ҳокимиятнинг биридир.

Х. БОБОЕВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Иқтисодиёт уфқлари

Яқинда йирик корхоналар раҳбарларидан бир гуруҳи АҚШдан қайтиб келди. Шулардан бири — Тошкент электрон-техника заводининг бош директори Валерий Георгиевич ТАТЕОСОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН АМРИҚО

Калифорния штатининг Лос-Анжелес шаҳрида уч ҳафта ўқидик. Маҳаллий халқ ғурурланиб: «Дунёда бизнинг Лос-Анжелесдек жой бўлса бордир, лекин яхшироғи борлигига ишонмаймиз», дейди. Унинг таъриф-тавсифини келтиришга мен ҳам ожизман. Бу шаҳарда 3,5 миллион аҳоли яшайди, улар орасида бирон-бир қашшоқ ёки уйсиз одам учрамайди. Икки миллиондан ортиқ шахсий енгил автомобиль, 70 тача автобус бор. Бу автобуслар биздагилар сингари бўрқситиб тутун чиқарса, уларни умуман юргизмай қўйишса керак.

Саноат корхоналарининг раҳбарлари учун мўлжалланган ўқув курси Loiala Marmount University базасида ўтди. Инглиз тилидаги лекцияларни тўла англаб етишимизда БМТ таржимонларининг ёрдами катта бўлди. LMU — улкан ўқув юрти. У ерда дунёнинг деярли барча мамлакатларидан келиб ўқишади. Ҳар бир студент ўқиши учун йилига 11 минг доллар тўлашга мажбур.

Ўз соҳамга тааллуқли иш жараёнлари билан танишдим. АҚШ электрон саноати корхоналарининг 88 фоизи Калифорнияда жойлашган. Уларнинг кўп қисми ҳарбий саноат корхоналари бўлиб, махфий эканлигини айтишди. AST фирмасида бўлдик. Йилига ярим миллион компьютер тайёрлайдиган бу фирма йиғиш билангина шуғулланаркан. У билан ҳамкорликда иш юритаётган Мексика, Тайвань, Сингапур, Канада, Жанубий Корея каби мамлакатлар турли қисмларни тайёрлаб жўнатишаркан. АҚШ корхоналарининг 90 фоизга яқини якуний йиғув билан машғул. Тайёрлов цехлари жаҳоннинг турли мамлакатларида жойлаштирилган. Американликлар экологияга зиён етказадиган кимё, пластмасса, ойна ва бошқа зарарли моддалар, газлар чиқиндисини чиқарадиган корхоналарни бошқа мамлакатларга жойлаштиришади.

Сан-Диегодаги «Сони» фирмаси асосан кинескопларни ишлаб чиқаради. Унда бор-йўғи 360 киши ишлайди. Бутун корхонани бошқариш биргина фирма раҳбарининг зиммасида. Уларда ҳатто цех, бўлим бошлиғи, мастер, бригадир каби тушунчалар йўқ, йиғув жараёни ҳам одамлар иштирокисиз, яъни техника ёрдамида амалга оширилади.

АҚШ корхоналарининг деярли ҳаммасида меҳнаткашларга соатбай ҳақ тўланади. Ишчилар билим ва қобилиятига қараб кам (ойида 2-4 минг доллар), ўртача (7 минг доллар атрофида) ва кўп ҳақ тўланадиган (15-17 минг доллар) гуруҳларга бўлинаркан. Иш ҳақи соатига 3 долларнинг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда расмийлаштирилган.

Америкада доимий ишга эга бўлган ҳолда яхши яшаш мумкин. Барча фирмалар ишчиларининг кунда бажарадиган аниқ вазифалари бор. Корхоналарда инсон руҳиятини, меҳнатга лаёқатини аниқлайдиган лабораториялар мавжуд. Кўрикдан ўтолган одамгина махсус ўқув курсини тугатиб, имтиҳон топширади. Билиму қобилияти ижобий баҳоланган тақдирдагина ишга қабул қилинади. Шундан сўнг биринчи кунданоқ доимий ишни бажаравераді, биздагига ўхшаб бир неча ойлаб иш ўрганиш муддати белгиланмайди. Иш бошлагач, бир ой ичида ўзини ўнглаб олмаганлар бўшатилади. Ишчи топшириқни бажариш мақсадида белгиланганидан кўпроқ вақт сарфлаши мумкин, лекин фирма бунинг учун қўшимча ҳақ тўламайди. Фақат фирма илтимосига кўра қўшимча ёки тезроқ маҳсулот тайёрлаш керак бўлган тақдирда 1,5-2 баравар ҳақ тўланади.

Яна уларда хавфсизлик техникаси, меҳнат муҳофазасига ўхшаш нарсалар йўқ. «Яхши ўқиб-ўзлаштирган ишчилар эҳтиётсизликка йўл қўйишмайди», деб ҳисоблашади. Ихтирочилик билан алоҳида кишилар шуғулланишмайди. Ҳар бир ишчи ёки хизматчи ўз ғоясини, таклифини ўртага ташлаши, ихтиро этиши мумкин. Ижобий натижа берса, ихтиродан келган фойдага қараб яхшигина ҳақ олади. Умуман, уларда корхона билан давлат орасидаги муносабат бизникидан бутунлай бошқача.

Турли учрашувлар ўтказдик. Шулардан 12 таси бизнесменлар билан бўлиб ўтди. Улар биздаги технология, иқтисодиёт билан жуда қизиқишди. Имконият яратилса, бажонидил алоқа боғлашларини айтишди.

11 миллион аҳолиси бўлган Нью-Йорк бошқа жойларга қараганда бирмунча тартибсиз. Кўчаларда гадой, қашшоқ, уйсизларни учратдик. Савдо расталарида эса биз билган-билмаган моллар шу қадар кўпки... Уларнинг бозорлари жуда бой, турли мамлакат фуқаролари ўзларида ишлаб чиқарилган, етиштирилган маҳсулотларни эркин савдо қилишади. Четга товар чиқариш ёки киритиш тақиқланмаган. Биз ҳам американликлар тажрибасини, инқилобга қадар ўзимизда бўлган бир неча асрлик савдо-сотиқ усулларини қайта тикласак, иқтисодий инқироздан қутилишимиз тезлашарди, деб ўйлайман.

Суҳбатдош:
А. ХАЛИЛОВ.

Бугуннинг гурунги

БУ ЁҒИНИ БИЛМАДИМ...

Ўн олтинчи январь воқеаларини мен ҳам худди Горбачевга ўхшаб «Озодлик»дан эшитиб юрдим.

Аниқ тафсилотдан бехабар одамнинг талқинлари ҳам кун сайин кўпайиб кетаверар экан. Тўғриси, ҳозир ҳамма жойда ўн олтинчи январнинг гурунги.

— Ўша куни кечаси билан Тошкентга жўнаб кетдик, — деб гурунг беради Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Олтинсой район кенгашининг раиси Тошпўлат ака Абдураҳмонов. — Энди ўйлаб кўрсам ўшанда бир суткадан кўпроқ вақт овқатланмаган эканман. Ўлган бола Қашқадарёнинг Косонидан экан. Ўзимизнинг болаларни олиб қайтдик.

— Кейинги пайтларда талабаларнинг таътиллари ҳам кўпайиб кетди.

— Ҳукумат жуда тўғри қилди. Шундай қилмаса бўлмас эди. Чунки одам ўлди!

— Бу каникул ҳам қачондир тугайди-ку!

— Аввалига болаларни тўплаб гаплашмоқчи бўлдик. Қарасам бўлмайди. Районимиздан етти юзтача бола бор Тошкентда. Шунча студентни бир жойга тўпласак, улар яна митинг бошлаб юбориши ҳам мумкин. Ҳар қайси студентнинг ўзи билан ёлғиз гаплашишга қарор қилдик. Ота-онасининг олдида. Бирови билан гаплашганимизни бирови билмайди. Ҳозир райоңнинг бутун активларига ана шундай топшириқ берганмиз. Бизнинг бу тажрибамизни областдаги раҳбарлар ҳам маъқуллашди.

— Болалар билан гурунглашган бўлсаларингиз... Жанжалнинг асосий ташкилотчилари кимлар экан.

— Биз Тошкентга борганимизда ҳам бу ҳақда гап қилган эдик. У ёқдаги раҳбарлар Сурхондарё билан Қашқадарёнинг студентларидан норози. Ҳатто, бу йил ана шу икки вилоятдан студентлар қабул қилмаймиз, деган гаплар ҳам бўлди.

Ана шу маҳал хонага олдинма кетин икки киши кириб келди. Иккови ҳам давлат хавфсизлиги қўмитасининг хизматчилари. Ҳаким Ҳожимуҳамедов деган ёши улуғроғи вилоятда — Термизда ишлайди. Ёшроғи шу ердан — «Олтинсойнинг кэгэбэси».

Кичиги каттасини Тошпўлат акага таништирди.

Қисқагина ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг Тошпўлат ака меҳмонларга икковимиз гаплашиб ўтирган гурунгнинг мазмунини айтиб берди. Тошпўлат аканинг «Ҳар бир студент билан алоҳида алоҳида гаплашиш» тажрибасини кэгэбэчилар ҳам маъқуллашди.

— Биз ҳам шу масалада юрибмиз, — деди сўнг Ҳаким ака. — Кўп иш қилишимиз керак. Бу ерда бир-икки кун бўламан ҳали.

— Биздан нима ёрдам керак? — деди Тошпўлат ака.

— Агар иложи бўлса шу райондан Тошкентда ўқиётган студентларнинг истиқомат жойлари, исми-шарифлари керак эди. Бундай маълумотларни қаердан олиш мумкин?

— Бизда ҳамма студентларнинг рўйхати, бу ердаги, Тошкентдаги адреслари бор, — деди Тошпўлат ака.

Ҳаким ака бу муваффақиятдан хурсанд бўлди.

Тошпўлат ака қабулхонасидаги қизни чақирди:

— Мурадшинани айтинг, олдимга кирсин.

Сўнг Ҳаким акага юзланди:

— Бир-икки кун ичида биз ҳам кўп иш қилдик. Студентларнинг ҳаммасини бирдай айблаб бўлмайди. Аммо бизнинг районимизда ҳам жанжалнинг бошида турганлар бор экан. Бир-икки боланинг фамилиясини ҳали ўзим сизга айтаман.

Шу заҳоти мен гурунгга ортиқча эканлигимни ҳис қилдим.

Эшик очилиб Мурадшина кирди.

Мен узр сўраб чиқиб кетдим. Улар ҳам «Халқ сўзи»дан яширадиган бизнинг нима сиримиз бор, дейишмади. Олтинсойлик талабаларнинг рўйхатини кэгэбэ нима қилганлигини эса... билмайман.

Тожиддин РАЗЗОҚ

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

Табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи олимлар Ангрен кўмир кони ташландиғи, каолин моддаси атроф муҳитини ифлослантираётгани ҳақида кўпдан буён бонг уриб, бу чиқиндидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш усулларини тавсия қилиб келмоқда эдилар. Ниҳоят, олимларнинг хайрли ниятлари амалга ошадиган бўлди. Ангрен кўмир кони базасида ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариладиган цехлар қуришга қарор қилинди. Бу тадбир амалга оширилгач, бир йўла икки муаммо ҳал этилади. Биринчидан, шу пайтгача жумҳуриятимизга ўтга чидамли ғиштни четдан олиб келишга сарфланадиган ортиқча харажатларга чек қўйилади. Иккинчидан, атроф муҳитини, ҳавони ифлослантириб ётган тоғ-тоғ каолин уюмлари йўқолади.

Икки томонлама фойдали бу янгиликни Тошкент «Нииистройпроект» илмий-тадқиқот институтининг янги ғишт намуналарини ихтиро қилиш билан шуғулланувчи олимлари яратдилар. Дарвоқе, каолиндан ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш мумкинлиги бу илмгоҳ тадқиқотчилари кашф этган сўнгги янгилик эмас. Олимлар бино томларига ёпиладиган черепица тайёрлаш рецептини ҳам ишлаб чиқдилар.

Тўғри, черепица илгари Ўзбекистонда кўп қўлланарди. Бироқ уни тайёрлаш оғир қўл меҳнатини талаб этгани учун аста-секин ишлатилмайдиган бўлиб кетганди. Энди эса олимлар оғир иш жараёнларини механизация зиммасига юклаш йўлини топдилар. Уни ишлаб чиқариш фойдали, бинобарин, корхоналар тезроқ қурилса, маҳсулотни ялпи ишлаб чиқаришга киришилса, яхши бўларди. Қолаверса, черепицанинг совуқ ва намгарчиликка ўта чидамли, пишиқликда ва узоққа чидашда ҳатто тунукадан ҳам устун эканлигини қурувчилар билишади.

А. ЙЎЛДОШЕВ

Алишер Навоий таваллудининг 551 йиллиги

ЭЛИНГ ОЗОД, БОҒИНГ ОБОД, РУҲИЯТИНГ ШОД, БОБОЖОН, БОБО!

⊙ ПОЙТАХТДАГИ Алишер НАВОИЙ номидаги республика Миллий боғида шеърият султонига ўрнатилган ҳайкал.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

...Бу кўҳна дунё не сирларнинг гувоҳи бўлмаган? Унинг қорачиғларига ўз шаҳрининг олтин дарбозалари олтин калитини қўш-қўллаб ёғийлар қўлига топширган сотқинлар ҳам, тожу тахт васвасасида отасининг қонини тўккан падаркушлар ҳам, ўз миллатидан хазар қилиб умри сўнгида басир бўлган кимсалар ҳам муҳрланиб қолган. Водариғ, эндиликда унинг пешонасига она заминнинг ҳар қаричи заҳар пуркагувчи, хаста гўдакларнинг сон-саноғи йўқ, шифобахш томчилари бутун бир халқни ҳалокатдан қутқариши мумкин бўлган ягона нажот денгизининг фожиали аҳволи, унинг қуриётганидан даҳшатга тушаётган халойиқнинг қирғоқда аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкиб ўтиришини кўриш ҳам битилган экан.

Шарифа САЛИМОВА

ХИЗР БУЛОҒИ

ДОСТОНДАН ПАРЧА

Замин — бемор, баҳр—бемор, руҳ—бемор,
Эл илкидан қачон кетмиш ихтиёр!
Қаён солсам нигоҳимни — сир эрур,
Наҳот шайтон ҳақиқатга пир эрур!
Калаванинг сирли учи қайдадир,
Умидларим наҳот майда-майдадир!
Гуллар эмас, тикан гул деб сайланса,
Наҳот қисмат томошога айланса!
Эвоҳ, қайдин топгум кўнгил оромин,
Туркий наҳот оқламаса ўз номин!
Дарёларин қуритса-ю жим турса,
Жасадларин иритса-ю жим турса...
Аёллари — палахмоннинг зўр тоши,
Наҳот қора дала ютар қуёшни!
Ҳазрат худди бола мисол ўксиниб,
Турган эди хаёлларга юкиниб,
Келаверди олислардан икки жон,
Бир ўғлону бир мунғайган отахон...
Отахоннинг қоматлари дол эди,
Етмишларга бориб қолган чол эди.
Ҳазрат пойин кўзларига сурди ул,
Калом билмас ўғлин туртиб қўйди у.
— Ҳазрат, дардим чорасизга ўхшайди,
Юрак ўрни қонли тузга ўхшайди.
Жазиллатар юрагимни бир армон:
Наҳот шунча азоб тортар кекса жон!
Дардим оғир, чора излаб юрибман,
Қариганда бўзлаб-бўзлаб юрибман.
Туғилгандан буён сиз кўрган гўдак
Бир калима сўз айтолмай, ё фалак,
Ғуссаларда бизни адо қилди-ку.
Бир луқмага бизни гадо қилди-ку...
Билмам: қачон тоза руҳи бўғилди,
Ўз тилидан йироқ бўлиб туғилди!
Ўз тилида на саломни билади,
Дилга малҳам хуш каломни билади!
Мақомлардан пешонаси тиришар,
Ғазал не деб бир чеккада қунишар,
Қодирийнинг кимлигини билмайди,
Абдуллони назар-писанд қилмайди,
Хотинининг сочин кесиб қўяди,
Фарзанд қолиб, кучугини суяди.
Она халқин саводсиз деб кулар ул,
Қабр узра суҳбат қуриб юрар ул.
Аралашмас маҳалла — кўй тўйига,
Мени элтмиш қариялар уйига.
Ғарибхона... Умр шоми... Изтироб,
Пешонаси шўрлар ичмиш майи ноб.
Бир йилда, бир хабар олмас, ҳолимдан
Наҳот, иблис бунёд бўлмиш қонимдан!
Наҳот, падар кўз ёшларин қадри йўқ,
Наҳот, дилда волидасин қабри йўқ!
Миллат надир, армон надир, хуши йўқ,
Оламни сув босса магар, иши йўқ.
Гадоларнинг кафтига тош қўяди,
Ғарб оламин пойига бош қўяди.
Ота титраб, жуда узоқ йиғлади,
Мисли гўдак ҳўнгир-ҳўнгир бўзлади.
Соқолини ювди кумуш ёшлари,
Титраб кетди булоқ туби тошлари...
Кенглик эса сукунатда гувларди,
Ғоҳ куларди, гоҳо сирли инграрди.
Булоқ бўйларига қўниб дамодам,
Сув ичиб кетарди гоҳо қушлар ҳам.
Ногоҳ кўкдан эниб беҳад митти қуш,
Шоирнинг қўлига қўнди-ю, кумуш,
Товуш-ла чулдираб кетди у чунон,
Лол қотди ҳайкалга айланган ўғлон.
Қушнинг сайроқлари бир жаҳон эди,
Хаста вужудларга зўр дармон эди.
У сайраган сайин нурлар жимирлаб,
Майсалар кўкариб, шамол шивирлаб,
Оҳулар тоғлардан югуриб келиб,
Ҳазрат оёғига бошини қўйиб,
Мўлтираб, кўзига термулиб ювош,
Тўкардилар аччиқ ва аччиқ кўз ёш.
Қушча хонишлари оқаверган дам,
Хасталик қийнаган бемор гўдак ҳам,
Кўзи «ярқ» очилиб ўрнидан турди,
Булоқ мавжларига ҳайрон термулди.
Ҳазрат қушча патини силаб оҳиста,

Уни кўрган каби гўёки тушда,
Бир мунгли ғазалдай кўз узмай узоқ,
Ўпиб, эркалатиб, тиллашиб иноқ,
Аста сирли булоқ ёнига борди,
Бир ҳовуч сув олиб сепиб юборди.
Ногоҳ бир сирли куй янграб ҳавода,
Ҳазрат қаршисида худди самодан —
Тушган мисол пайдо бўлди бир хилқат,
Девқомат, бургут кўз, мағрур, хушсурат...
У Ҳазрат қўлини кўзига босди:
«Шоирман» деб артди кўзидан ёшин.
Сўнгра кенгликларга кўз ташлаб аста,
Қаҳ-қаҳ солиб кулди телба товушда...
«Иним, шоир иним, қуш бўлган иним,
Сирли наволари туш бўлган иним.
Қачон кўк тоқига чиқиб улгурдинг,
Нечун девонавор ҳайқириб кулдинг!
Бу гўзал жонингга эл сиғмадими!
Сени телба қилган шеър сиғмадими!
Сўзла, нафаслари аланга иним,
Недир у жонингга бермаган тиним!
Мунгли наволарга айлантирган ким,
Сирли садоларга айлантирган ким!
Туну кун ошёнинг булутли фалак,
Чирқиллаб учасан, мунгли жонқалак!
Кўзинг қароғида денгиз чайқалур,
Ғоҳи ўт, гоҳида бирмуз чайқалур.
Наволаринг сеҳри олгудайин хуш,
Ўтган бино бўлган, эй самандар қуш!
Қай руҳсан, қай боғнинг сўлган гулисан,
Қай элнинг навобахш, ғариб улисан!».
Шоир гоҳида ҳуд, гоҳ беҳуд эди,
Ногоҳ қалқиб «Усмон Носир — мен», — деди.
Эвоҳ, кўзларида ўт ёнган Усмон,
Эвоҳ, жигаридан қон томган Усмон —
Оҳанглари ерга насиб туркигўй,
Ашъорлари кимга аза, кимга тўй.
Ул улуғ Ҳазратнинг сарин нафаси,
Эрк деб хато қилган тилло қафаси.
Сўзла Навоийнинг ғариб иниси,

Лойқалаган сувлар бугун тинишиб,
Руҳинг бўстонидан оқурлар равон,
Сўзла, юрагингда қолмасин армон!
Шоир сўз бошлашдан хиёл олдинроқ,
Забонсиз йигитга кўз солди узоқ.
— Бу йигит бағоят оғир бемор-ку,
Унинг тузалмоғи беҳад душвор-ку.
Кекса бошдан-оёқ гуноҳга ботган,
Ўғлонин жаҳолат тубига отган,
Ўзидур. Энди ул нечун ёш тўкар,
Қасос қиличига фарзандин тутар.
Бу ўз миллат гулин кемирувчи қурт,
Унга на тил азиз ва на она юрт.
Мен уни танидим, Унинг қўли қон,
Менинг ҳам умримга зомин шу инсон.
Улар якка эмас, ажриқ мисол кўп,
Пайтин пойлаб кўзга суқиб олиб чўп,
Ҳасад оловида ёниб туну кун,
Истеъдод ҳақига талаб қилиб хун,
Иғволар тўқишиб, ёзиб ифлос хат,
Бойқушдек зулматда кун кўрар фақат,
Ўзагини қирқиб ҳузур қилишар,
Ўзлари қарғадек умр кўришар...
Оҳ, мени аламлар, аламлар сотди,
Юраги қора ҳамқаламлар сотди.
Бу юртга булбуллар керакмас, деди.
Улар бир-бирига тиракмас, деди.
Темур фарзандларин ер ютсин, деди,
Гулзорни қоп-қора зоғ тутсин, деди.
Чирқирасин дея Бобур арвоҳи,
Қўпормоқ бўлдилар ҳақиқат тоғин.
Имлолар ўзгариб, кўзлар кўр бўлди,
Қудратли эл синди, сўнгра хўр бўлди.
Не ақли донишлар руҳи мунғайиб,
Мен каби кўкларда сарсону ғариб,
Юрак алангасин қорлар ўчирди,
Қисмат бевақт ажал майин ичирди.
Бизнинг қўлимизни қисганда кишан,
Баайни шу чолдек томошабинлар,
Ҳолимиз бепарво айлаб томоша,
Хўшҳол, май ичдилар, завқланиб роса.
Бизни «халқ душмани» деб тинчидилар,
Бир бурда нон учун сотилган қуллар.
Аллалардан узоқ ўсган болалар,
Руҳини пардалар тўсган болалар,
Боболар тилидан ўсдилар нари,
Овлоқда ёввойи гуллар сингари —
Онасин қўшиғин айтмаган кимса,
Ўз тилида бир сўз битмаган кимса,
Гўдагин ҳафтада бир марта кўриб
Юргач ўз завқи-ла у алло қилиб.
Шашмақом нелигин у туш кўрмаса,
Тўю-ҳашамларни у хуш кўрмаса,
Фарзанд не тахлитда вояга етар
Ва албат падарин ўша «уй»га элтар.
Бу дунё ҳисобли, хунли, қасосли,
Бир қўлида гулу бирида тошли.
Бизда кўп кимсалар шундай кун кўрди:
«Улуғ битикларнинг заволи урди».

БАРҲАЁТ ШОҲБАЙТЛАР

«БОШ ҚУЯЙ ДЕДИМ АЁҒИ ТУФРОҒИГА...»

Бу шоҳбайтнинг бадиий қурилмаси — тарихини музайян этган камёб бир шеърий санъат — «ийҳом» ихтиёр-беихтиёр Навоий Самарқанд музофотидан она шаҳри Ҳирига йўллаган, дард-ҳасрат наволари билан йўғрилган машҳур маснавий-номадан бир байтни эсга солади: «Агар хоса маъни, гар ийҳом эрур, Онинг кунда юз байти халвом эрур». «Хоса маъни» билан нуктаю лутф талашадиган «ийҳом»га алоҳида урғу («агар», «гар» сўзлари такрори, таъкиди бежиз эмас) берилган ҳолда бундай нозик санъат билан тартиб, оро берилган шеърларнинг «кунда юз байти» яратилиши уста ҳалвопаз ишига қиёс этилишида нафақат фахрия ё пинҳоний дард-алам бор...

Бош қўяй дедим аёғи туфроғига,
деди: қўй.
Бўса истаб лаъли рангин сўрсам
эрди, деди: ол.

Бу шоҳбайтда бири-бири билан маъною баҳо талашадиган икки мустақил лавҳа-образ мавжуд, улар «қўй», «ол» сўзлари англатган тажнисли (омоним — жами тўрт қиррадаги) маънолар заминига қурилган нозикхаёл — нуктадонликдан иборат. Уларни алоҳида-алоҳида шарҳлаб бермагунча шоир юқорида зикр қилган «ийҳом» моҳиятини, демакки, байтнинг бутун нафосатию жозибасини англаб, уқиб олиш имконсиз. Биринчи мисранинг ўзаро муқобил икки маъноси: (1) Навоийнинг қаҳрамони — ошиқ муҳаббат қисмати буюрган зиддиятлар-ранжу ситамлар ва лазиз хаёллар, барча умидворликлару маҳрумиятларга рози бўлиб, ҳамма синовларга дош бериб, маҳбуба оёқларимас, уларнинг гарди — «туфроғига» бошини қўяр даражага бориб етса (бу хоксору ҳақир насибани бахту шараф деб билса) ҳам, у шўху бепарво мудом писанд қилмайди, ошиқнинг интизорлик билан қилган илтижоларини бедардларча рад этади, демак, маҳбубанинг ё ўзга бир кишига кўнгли бор ёки ушшоқ аҳволини билмаслик, раҳм-шафқат шевасидан узоқлик бу лоларуҳнинг касби-одати; (2) йўқ, ошиқнинг бахтига маҳбуби бағритош гўзаллар тоифасидан эмас, у ишқ дарди нима эканини ўз шайдоси — ошиқдан кам билмайди ва ҳажрнинг тўзимсиз синовлари давомида шундай руҳий қаноат ҳосил қилганки, ошиқ йигит муҳаббатни қисмат буйруғи, илоҳий эътиқод деб билишини, поклиги, фидойилиги билан меҳру вафонинг мужассам тимсоли бўлиб қолишини намоён этди, бас, унинг муҳаббатига муносиб жавоб қилса, ҳижрон заҳмларига висол ризолиги — марҳамати, илтифоти билан малҳам бўлса арзийди... Энди иккинчи мисранинг ўзгача зиддиятли маънолари: (1) ҳажрнинг тўзимсиз қийноқларини, севги савдоси туфайли келадиган турли маломатларни кечиришга куч, сабот берган, энг мушкул кунларда ҳам дилдаги умид чироғини сўндирмаган қаётбахш туйғу-васл хаёли, унинг ғойиб ва бебаҳо мукофоти — биринчи мастона, жонсўз бўса... истагига шайдойи ошиқ ноил бўлса-да, буни ош̣кор айтишга Навоий тасаввуридаги йигитларга хос қаё кучиданми ё бошқа андиша биланми, журъат қилолмасдан гўё қаландарона паришонлик, йўқ, орифона тағофилга солиш билан: «Ҳа... лаълингнинг ранги қандай?» — дея ғалат савол беради. Маҳбуба, табиийки, бундай саросима ичидаги саволнинг маъносини атайин билмаганга олади ва унинг журъатсизлигидан, чорасиз, нажотсиз аҳволидан кулиб (эҳтимол, уни севмагани учун) бедардларча жавоб қилади: «Наҳотки, шуни билмасанг? Лабимнинг ранги қизил-ку; (2) сен дард аҳлига хос хислатларинг — фазлу камолинг билан муҳаббатдек бебаҳо давлат, улуғ бахтнинг биринчи неъмати, закоти — масиҳона бўса илтифотига чиндан мушарраф бўлмоқ учун ушшоқ аҳли тақдир насибаси деб билган йўлнинг барча синов манзилларини ўтдинг. Сенинг саволингдан мендаги висол иштиёқи пурзиёд бўлди: муҳаббатимиз ҳаққи-ҳурмати, сен истаган ўша кўнгил ва жон туҳфасини нисор этишга розиман... Шу тариқа ийҳом санъати билан оролантирилган мазкур шоҳбайтда, истанг, зоҳирий-ошкор, истанг, ботиний-пинҳоний маъно қирралари бир-биридан нафис нуктадонликлар — шеъриятга хос сўз фасоҳати намуналари сифатида тақдим этилади. Зотан, ийҳов санъатининг жозиба сири — унинг тансиқ ва камёблигида...

«Кимки бир кўнгли бузуғнинг
хотирини шод айлагай...»

Навоий нафақат исломга, балки бошқа эътиқодларга, анбиёларга оид тушунчаларни, ривоятларни ташбеҳ-тимсол, шеърий санъат сифатида истифода этар экан, аксарият уларга мунозарали, ҳатто иштибоҳли маъно бераётгандай бўлади («Ошиқ ўлғон кечти нангу номдин, Миллату иймону дини исломдин»; «Менинг динимни солди дайр туфроғиға бир тарсо — Ки йўқ туфроғча оллида тақво аҳли исломи»). Бироқ аслида-чи? Аввало, бу — анъанавий бадиий восита, рамзий-муболағали усул. Қолаверса, мутафаккир шоир муқаддас каломларга энг қимматли, мукаррам, илоҳий мезон-нисбат тарзида мурожаат қилади...

Кимки бир кўнгли бузуғнинг
хотирини шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон
бўлса, обод айлагай.

Худога шукур, ҳақиқатни (жумладан, дин-имон сўзини) айтишга тараддудланиб, ортиқ ҳадиксираб, не-не андишага борадиган кунлар орқада қолди. Ҳақ сўз шуки, ҳазрат Навоий тилга олган бунингдек муборак сўзларнинг чин маъно ва қиймати, шак-шубҳасиз, ислом таълимоти, ахлоқи билан, илғор тасаввуф ғоялари билан, муҳими — уларни одамлар не чоғлиқ англаб етишлари, бу сўзлардан қанчалик таъсирланишлари билан боғлиқ. Ҳатто классик шеърият билан озми-кўпми мулоқотда бўлган хуштабъ китобхон ҳам жамиятимизда (эҳтимол, зоҳиран) кўпчиликни ташкил қилган даҳрий-материалистлар билан ёнма-ён яшагани, ишлагани ё ўқигани учун кечагина ислом ва суфиёна шеърият сўзлигига муносабатда ўзини сақлашга, эҳтиёт бўлиб, тилини тийиб гапиришга одатланган эди. Маълумки, Қуръон, Ҳадис каби сўзларгина эмас, масалан, кенг муомаладаги кўнгил, дил, ботин, ҳол, руҳ, имон, ихлос, ҳалол, пок, савоб, тавоф каби сўзлар ислом фалсафасида, суфизм символикасида ўзига хос теран маъноларда талқин қилинади (уларда дунёвий, инсоний маъно билан руҳий, илоҳий моҳият бир-бирини тўлдиради). Шунингдек, исломият дунёсининг энг муқаддас эҳроми— Каъба фақат биринчи даражали азиз қадамжо — зиёратгоҳ, энг табаррук заминигина эмас, айни пайтда ҳақ, имон-эътиқод, поклик ва комиллик рамзи, фано ва бақо бутунлиги, руҳ гўзаллиги тимсоли ҳамдир. Шунинг учун бу қутлуғ калом шеъриятда энг мукаррам, мўътабар тушунчаларни ифодалашда бадиий нисбат сифатида олинади. Масалан: «Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи, қадри йўқ андоқки, кўнгул Каъбаси». Шубҳасиз, ҳар бир яхши ниятли, пок хилқатли кишининг кўнглини сифатлаб келиши мумкин бўлган бу ташбеҳ, очиғи — комил мусулмон, имони бутун кишиларга нисбатан айтилса, ўзининг чинакам ва муносиб қадрини топиши мумкин.

Энди бевосита юқоридаги шоҳбайт мазмунини мухтасар шарҳлашга ўтсак бўлади. Навоийнинг одамзот болаларига меҳр-шафқатда тенги топилмас қаҳрамони — ориф қай бир бечора, бенавоҳнинг кўнгли бузилганини кўрса, ўзининг ҳам кўнгли бузилади, дунёнинг ободлиги кўзига кўринмайди, то ўша озурда дилига чироғ ёқувчи сафоли ва хайрли сўз топилмагунча оромини тополмайди. Шунинг учун ҳам шоир Ҳотамтой саховатидан ортиқ бўлган бундай маънавий ҳиммат, руҳий мададни энг босавоб ва беминнат бир жасорат — «Каъба вайрон бўлса, обод айламак» билан тенг («онча борким») деб билади. Лекин, шуниси ҳақиқатдирки, Каъба сўзининг нечун муқаддас эканини, унинг илоҳий маъносини озми-кўпми идрок этолган чин мусулмонгина хоҳ ўз динидаги, хоҳ тарсо ё бошқа эътиқоддаги башар фарзандининг дардига малҳам бўлиши мумкин. Демак, инсоннинг инсонга яхшилик, мурувват қилишида, меҳр-шафқат кўрсатишда имон бутунлиги, эътиқод устиворлиги белгиловчи вазифани ўтайди. Аксинча турли лавозимдаги, ҳатто номдор, лекин имони заиф, виждони ғофил кимсалар инсон дардига муносабатда ўзларини тағофилга соладилар... «Бир кўнгли бузуғ», «Каъба вайрон» ибораларидан шоир кузатган мақсад ҳам шу — имонга даъват эмасми?

Хуллас, ҳаёти ва ижодиёти билан бениҳоя табаррук бўлмиш Навоий мазкур шоҳбайт орқали дини исломнинг инсонга меҳр-шафқат, муқаддас тушунчаларга камоли эътимод (ишонч) руҳидаги таълимотига шеърий сайқал беради...

Ботирхон АКРАМ

ЭЪЗОЗИ МЕҲМОННАВОЗ

Алишер Навоий «Хамса»даги достонларида инсонларни яхши ва ёмон одамлар дея икки гуруҳга ажратади. Унинг фикрича, яхши одамлар — карамли, саховатли, адолатни ўзига шиор қилиб олган одил кишилар бўлиб, ёмонлари эса кўнгли тор, зиқна, мурувватсиз, карам нималигини билмайдиган «инсон» номи остидаги паст ва бахил кишилардир.

«Садди Искандарий» достонида Навоий яна учинчи бир тоифадаги одамлар ҳам мавжудлигини маълум қиладики, уларни инъом-эҳсонни ўзларига ҳунар қилиб олган ва дунёнинг бор-йўғидан ташвишланмайдиган «энг яхши одамлар» деб тавсифлайди. Улар, дея таъкидлайди шоир, саховат бобида ягона бўлиб, феъли кенг, очиқ чеҳрали, ҳар бир ишда меъёрга амал қилувчи, барчага тенглик назари билан қаровчи меҳмоннавоз инсонлардир. Навоий бу тоифа одамлар бобида сўз юритар экан, уларнинг меҳмоннавозлик ҳаракатлари тасвири орқали ўзининг чуқур тафаккури маҳсулларини баён этади.

Бундай кишилар, дейди шоир, эшикдан кириб келган меҳмонга жоннавозлик ила очиқ юз ва мулойим хулқ билан пешвоз чиқиб илтифот кўрсатадилар, очилган гул сингари табассумлар билан қарши олгач, гулмонанд — чиройли дастурхонлар ёзадилар ва гулда қанча кулиб турган гулбарг бўлса, баҳоли қудрат шунча ноз-неъматлар қўядилар. Агар бунинг имкони чекланган бўлса, бор нарсаларини ширинсуханлик билан дастурхонга тортадилар. Овқат танаввули вақтида бутун эътиборни меҳмонга қаратиб, унинг иззат-икромларини жойига қўядилар.

Навоий шу тариқа Шарқ халқига хос ва қадимдан давом этиб келаётган меҳмондўстлик урф-одатларига ўзининг оқилона муносабатларини билдириб борар экан, яна жуда муҳим бир масалани ҳам эсдан чиқармайди. Бу — меҳмондорчиликда барча даражадаги кишиларга бир хил мезбонлик қилиш, барчани тенг кўриш масаласидир. Одамларни бир-биридан фарқ қилишнинг зарари йўқ, — дейди Навоий, аммо меҳмоннавозликда улар албатта тенг бўлишлари керак; шоҳ олдига ёғлиқ патир қўйилгани ҳолда камбағал олдига қаттиқ нон тортмаслиги лозим. Чунки уларнинг бири йўлбошчи, бири фуқаро бўлгани билан ҳар иккиси ҳам худонинг бандаларидир».

Кўринишдан букри, қўли қадоқ, елкаси ямоқ эски чопон кийган, ҳеч ким назарга илмайдиган одамлар, баъзан кўнгил мулкининг султони, кишилар дилидаги ниҳон сирларни зийраклик билан фаҳмловчи огоҳ шахслар бўлишлари мумкин. Бундай кишилар олий ҳиммат эгалари бўлиб, улар олдида шоҳлар — нафақат шоҳлар, ҳатто забардаст фалак ҳам бош эгадилар, деб таълим беради Навоий.

Хуллас, «мезбон қуёш сингари сахий бўлиши лозим. Чунки қуёш заррин кошонага ҳам, бузуқ вайронага ҳам бирдек нур сочади; булут сингари саховатли бўлиш керак, чунки у гўзал, яшнаган боғлару қақраган шўразорларни баб-баравар саховат ёмғири билан сероб этади», дея коинот унсурлари фаолиятида кузатилган ҳайратомуз ва ибратомуз кўринишлар билан саховатпешаларни улуғлайди.

Алишер Навоий саховат қилиш истагида бўлган кишилар учун саховат низомининг қатъий қоидаларини ҳам тузиб берадики, бу қоидалар замирида асосан меъёр, исрофга йўл қўймаслик каби турмушнинг хил-ма-хил кўринишларига оид масалалар ётади.

Саховат қилишнинг бир неча йўллари бор, дейди Навоий ва улардан бир нечтасини санаб ўтади. Саховатнинг энг биринчи ва муҳим шарти кишиларда исроф қилиш иштиёқининг туғилишига йўл қўймасликдир. Иккинчи қоидада Навоий меҳмон кутиш иззат-обрў орттириш, каталар эътиборини қозониш мақсади учун бир восита бўлмаслиги кераклигини уқтиради.

Учинчиси эса меҳмоннавозлик меъёрига қатъий риоя қилиш лозимлиги ҳақидадир. Меҳмон олдига дастурхон ёзилгач, қўйлар сўйиб, пишган ғўштлару ҳар хил иссиқ овқатларни пайдар-пай кирита бериш номақбул иш. Чунки бу ҳол Навоийнинг ўз сўзлари билан айтганда, «худо томонидан берилган молни исроф қилишдан ва нонкўрликдан бошқа нарса эмас».

Тўртинчи қоида меҳмонлар олдида овқатларнинг лаззатли таърифини қилмаслик борасидадир. Меҳмондорчиликда қорни тўйган одам у яна есин деб ҳар бир таомнинг лаззатини таърифлаб ўтириш саховатли кишилар учун ёт бўлган ҳолатдир. Чунки ўринсиз, ортиқча ейилган ҳар бир луқманинг ошқозонга тушгач, заҳарга айланиши ҳеч кимга сир эмас.

Мана шу ва шунга ўхшаш бошқа қоидаларга амал қилинмай ўтказиладиган меҳмондорчиликларга ақли тўлиқ, табъи салим кишилар ниҳоятда нафрат билан қарайдилар.

Навоий исрофгарчиликни шу тахлит қоралар экан, бахиллик ҳақида ҳам ўз фикрини баён қилади. «Уйингга келган меҳмон оч бўлса-ю, сен ундан овқатингни аясанг, бу исрофгарчиликдан ҳам баттар ёмон одатдир», — дейди шоир. Энг яхши одат — ўртамиёналикдир. Исроф ҳам қилма, бахил ҳам бўлма. Кимки ана шундай яхши фазилатга эга бўлса, у одамлар доносидир, дея фикрини тугаллайди шоир.

Навоий меҳмоннавозлик қоидаларига барча кишиларни амал қилишга чақирар экан, уларнинг ўзлари ҳам бу дунёга меҳмон эканликларини эслатади. Шу боис инсон зоти ўзига берилган қисқа умр давомида ҳурмат-иззатда яшаши керак.

Мавжуда ҲАМИДОВА,
филология фанлари номзоди.

⊙ ТОШКЕНТДА бунёд этилган Алишер НАВОИЙ номидаги Ўзбекистон Миллий боғи.

Бу кўркам хиёбон 120 гектар саҳнни эгаллаган.

А. ЗУФАРОВ олган сурат.

Водийларни яёв кезганда...

ФАХРИЙЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАСЛАР

ПАХТАОБОД. Қаровчисиз фахрийга оталиқ ташкилотлари ходимлари бириктириб қўйилди.

РЎЗҒОР тебратиш қийинлашган шу кезларда район маҳаллий ҳукумати муҳтожларни ҳар жиҳатдан ҳимоялаш чораларини кўраяпти. Айниқса қаровчисиз қариялар аҳволидан тез-тез хабар олинмоқда. Район ҳудудида истиқомат қилаётган жами 200 дан зиёд ана шундай қариялар аниқланиб, оталиқ ташкилотларига бириктириб қўйилди. Шунингдек, тиббиёт ходимлари, халқ ноиблари ҳам улардан вақти-вақти билан хабар олиб, ёрдам бериб турибдилар.

Шунингдек, район меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ўзгалар парваришига муҳтож фахрийларга 14 минг 150 сўмлик ёрдам кўрсатди.

ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

ФАРҒОНА. Пиллакашлик фабрикаси ишчиларининг ўртача ойлик маоши бу йил 1 минг 500 сўмга етказилади.

ФАБРИКА маъмурияти билан касаба уюшмаси комитети ўзаро меҳнат шартномаси тузиб, унинг бандларига амал қилишаётгани туфайли жамоат аъзоларининг ойлик маошлари, иш ва дам олиш шароитлари яхшиланиб бормоқда. 1990 йилда ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 209 сўмдан тўғри келган бўлса, ўтган йилнинг тўртинчи чорагида 1 минг 200 сўмгача кўтарилди.

Шартномага мувофиқ бу йил ишчиларнинг ойлик маоши 1 минг 500 сўмга етказилади. Корхона олаётган фойда ҳисобидан ишчи-хизматчиларга тўлаб бориладиган ҳар хил ёрдам пуллари бунга кирмайди.

ХАЙР-ЭҲСОН МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

НУКУС. Оролбўйи жабрдийдаларига тиббий ёрдам тариқасида яна бир туркум дори-дармон келди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН жумҳурияти Қизил Яримой жамияти ходимлари Орол денгизининг қуриб бораётгани оқибатида турли оғир хасталикларга чалинаётган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш учун мавжуд ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Яқинда Голландиядан келтирилган бир туркум дори-дармонлар қабул қилиб олинди. Хорижий дўстлар бепул ҳадя этган дорилар касаллик энг кўп тарқалган районларга тақсимланади.

Шунингдек Тошҳовуз вилоятидан келган 1162 қути, Хоразм вилояти юборган 17 тонна дори-дармон ҳам шифохоналарга тарқатилди.

Бош муҳаррирга хат

БИЗНИ КИМ ЎЙЛАЙДИ?

Биз 22 январь куни «Эрк» рўзномасини олиб ўқидик. Ундаги «Қон тўкиш кимга керак эди?» сарлавҳали хабарни ўқиб ҳайратда, шу билан бирга қойил ҳам қолдик. Бу партияга шундай кишилар аъзо бўлишганки, улар топоғон эканлар: Талабалар шаҳарчасидан биронта ҳам тош тополмай учта пистолет гилзасини топишибди. Шу билан бирга милиция ходимларининг маст ҳолда эканликларини сезишибди. Хўш, асосий мақсад нима? Нега бу воқеага милиция сабабчи экан? Бизга шу керакмиди? Биз киммиз ўзи? Ахир бизлар ҳам халқнинг ичидан чиққан инсонлармиз-ку. Шу кунгача халқ посбони бўлган кишилар эндиликда қонхўрга айланишса-я. Қолаверса, биз ҳам шу олийгоҳларнинг сиртқи ва кечки бўлимларида таҳсил олаётган талабалармиз. Ахир буларнинг ҳаммаси бизга нисбатан туҳмат эмасми? Хўш, бу рўзномани одамлар ўқиб бизга нисбатан норозилик билдиришмайдими? Шундай ҳам шаънимизга ёмон гаплар айтилаяпти-ку. Устимизга туҳмат балоси ёғдирилиб турса, биз қандай қилиб халқ билан бирга ишлаймиз? Агар биров ҳамёнини олдирса ёки уйига ўғри кирса нега холасиникига югурмасдан милицияга югуради? Бизда ётоқхона йўқ. Беш кун кўксимизни полга қўйиб, парталарда, ошхонада суткасига икки-уч соат ухладик, холос. Биз ҳам одам боласи.

Энди ўша кунги воқеага қайтсак, милиция ходимлари (бизлар ҳам) душмандек бостириб борганимиз йўқ. Неча талабалардан илтимос қилинган. Улар эса бунга жавобан ҳар хил сўзлар билан, масалан «мент», «мусор» деб ҳақорат қилиб бошларидан танга сочди, онангни деб сўкди, ҳаттоки баъзилари «мана бу майорни отиш керак» деб майор Расуловни кўрсатди, кейин эса йигитларимиз устидан тош ёғдирди. Оқибати, мактабимиздан ўн олти киши тан жароҳати олди, мактаб бошлиғи милиция полковниги Кузнецов ва унинг ўринбосари майор Йўлдошев ҳам четда қолмай лат едилар. Буларнинг ҳатто набиралари бор. Яна бир милиция ходими эса ўқотар қуролдан жароҳатланган. Нима учун телевизор, радио, газетада буни ҳеч ким гапирмайди? Буларнинг ҳам фарзандлари, ота-онаси бор-ку. Агар сууриштирсангиз, мактабда ўқиётган ва бошқа ходимларимизнинг ярмидан кўпи Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Чимкентдан келиб, турадиган жойнинг тайини бўлмаса ҳам Тошкент халқининг осойишталигини сақлаётган йигитлар.

Дайди ўқдан бизнинг юртдошларимиз, тенгдошларимиз Санжар ва Қамариддин қурбон бўлдилар. Ҳаммамиз бунга таъзия изҳор этамиз. Улар бизнинг ҳам жигаримиз, бу ўлимни ҳеч ким кечирмайди, биз ҳам. Лекин талабаларни кўчага олиб чиққан, троллейбус линияларини бузган, чойхонани йўқ қилган одамларнинг айбини айтиш керак-ку. Сиз мақтаган домлалар шу оломоннинг олдида бизни болалар каби ҳақорат қилишди-ку. Бу ёғини қўятурайлик, ҳозирги пайтда қўшни жумҳуриятларда тўкилган ва тўкилаётган қон озлик қилаяптими? Наҳотки буни ҳеч ким тушунмаса? Агар ўша кунги тўполоннинг олди олинмаганда, шаҳарнинг кули кўкка совурилиб яна Фарғона фожиаси такрорланмаслигига ким кафолат бера оларди? Бизнинг ҳам жонимизга тегди: соат саккиздан ўн еттигача ўқиш, ҳар куни соат 17 дан 22 гача кўчада посбонлик қилиб юрибмиз. Биз ҳам кўп ишлаганимиз учун пулни 4—5 марта оширишни талаб қилсак бўлади, лекин ҳозир, иқтисодимиз қийин аҳволда эканлигида бунинг мавриди эмас.

Биз давлатимизга, ўзбекларга, ўзбек элида истиқомат қилаётганларга доим хизматдамиз. Бирортамизнинг ёшимиз ҳали 25 га бормаган. Бизнинг бошимизни ким силайди? Шундай экан, яна бир бор илтимос қиламиз: милиция ходимларини қурбонликка бермайлик, улар ҳам шу халқнинг фарзандлари!..

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг тўрт ойлик бошланғич мактаби талабалари номидан:

Насрулло ТУРСУНОВ,
Ботир МЕШБОЕВ,
Абдураим ТОЛМЕТОВ,
(жами 350 имзо).

• СПОРТ •

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА

БУГУН Франциянинг Альбервиль шаҳрида қишки олимпиада ўйинлари бошланади. Шу муносабат билан «Халқ сўзи» мухбири Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитетининг қишки спорт турлари бўйича етакчи мутахассиси, республика миллий олимпиада комитети аъзоси В. ЛИСОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди:

— Владимир Михайлович, мана қишки олимпиада ўйинлари ҳам бошланди. Айтинг-чи, мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар ҳам қатнашишадими?

— Тарихда биринчи бор ўзбекистонлик спортчилар қишки олимпиадада иштирок этишади. Халқаро тоифадаги спорт устаси тошкентлик Лина Черязова ҳамда спорт устаси — у ҳам тошкентлик — Лариса Удодова фристайл бўйича ўтказиладиган мусобақаларда беллашадилар. Спортнинг бу тури уч хил: акробатика, балет, могул. Лина акробатикада, Лариса могулда ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоаси рўйхатида эса спортнинг бу турида қатнашадиган ўн икки спортчи бор.

Вакилларимиз 24 январда жаҳон кубоги мусобақаларида қатнашиш учун терма жамоа билан бирга аввал Германияга боришди. 3 февралда эса Франция тупроғига қадам қўйдилар.

— Ўзбекистонда қишки олимпиада мусобақалари ўтказиш таомилга кирмаган. Шундай экан, спортнинг биз учун ноанъанавий бўлган бу тури бўйича тайёргарлик кўришда ўзига хос қийинчиликлар туғилгандир?

— Қизларимиз олимпиада олдидан ўтказилган мусобақаларда қатнашдилар. Лина жаҳон кубоги босқичи мусобақалари совриндоридир. Шу билан бирга жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритган. Лариса эса Оврупо кубоги босқичи беллашувлари совриндори. Собиқ иттифоқда ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақа ғолиби. Январь ойида МДҲ терма жамоасининг Чимёнда акробатика ва балет, Чимбулоқда могул бўйича сўнгги синов машғулотлари бўлиб ўтди. Биз қониқиш ҳосил қилдик.

...Етакчи мутахассис В. Лисов билан суҳбатимиз ниҳоясига етай деганда Л. Черязова ва Л. Удодованинг устози, собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер Д. Ковунов келиб қолди. Уни ҳам суҳбатга тортдик.

— Дмитрий Ефимович, шогирдларингиздан умидингиз қандай?

— Бир нарса дейишим қийин. Бу — спорт, ахир. Бизга алоқадор бўлмаган омиллар бор. Авваломбор рақиблар жуда кучлидирлар. Ҳар бир спортчига ўз маҳоратини намойиш қилиш учун бор-йўғи икки марта имконият берилади. Салгина хато кетсанг — тамом, мўлжалдан пастроқ ўринни эгаллашинг турган гап. Тошкент билан Альбервиль оралиғи жуда олис. Табиийки, вақтларда катта фарқ бор. Бу омил ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунга қарамасдан қизларимиздан, айниқса Черязовадан умидимиз катта.

В. Лисовга сўнгги саволни бердик:

— Айтинг-чи, мабодо спортчиларимиз совринли ўринни олишса, қайси давлат байроғи кўтарилади?

— Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи.

— Ўлкамизнинг кўплаб спорт ихлосмандлари буни чин дилдан исташаяпти. Шундай бўлса кошки эди!

Х. МИРҲОДИЕВ.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ТОШКЕНТГА ҚАЧОН ҚАЙТАСИЗ?

БИЗГА республикамизнинг турли вилоятларида яшовчи талабалардан кўплаб қўнғироқлар бўлиб турибди. Уларнинг кўнгилларини хотиржам қилиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб, бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

Олий ўқув юртлари бош бошқармасининг бош мутахассиси Л. Ш. Шохўжаев жавоблари шундай бўлди.

— Ҳа, таътил узайтирилгани рост. У 25 февралгача давом этадиган бўлди. Талабалар шаҳарчасида кўпгина ётоқхоналарнинг деразаю эшиклари, ойналари вайрон қилинган. Бузилган жойларни тузатмай туриб, аёзли қишда талабаларни ётоққа жойлаштириб бўлмайди. Таъмир ишлари ҳали битмаганлиги боис ҳам талабаларнинг таътили 25 февралгача узаядиган бўлди. Ўйлаймизки, буни улар тўғри тушунадилар.

— Жойларда Тошкент олийгоҳларида таҳсил олаётган 1—2-курс талабаларини ўз вилоятларида ўқиш учун қолдиришмоқда. Пойтахтда бор баъзи соҳалар вилоятларда йўқ-ку. Бундай талабалар нима қилишади! Шуни изоҳлаб берсангиз!

— Бозор иқтисоди талабаларга ҳам шафқат қилмади. Бундан кейин уларнинг тез-тез уйига бориб туриши ўзига ҳам, ота-онасига ҳам оғирлик қилади, деб ўйлайман. Чунки йўл ҳақи бир неча баробар кўтарилди. Талаба ота-онасининг кўз ўнгида юрса, ўқиса ёмонми?

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимларидан иборат вакиллар жойларда ота-оналар ва талабаларнинг ўзлари билан ҳам учрашиб, суҳбатда бўлдилар. Демак, ўртадаги тушунмовчиликлар бартараф қилинган. Пойтахтдан кетиб, ўз вилоятларида қолиб ўқийдиган 1—2-курс талабаларининг сони тахминан 3300 нафар атрофида бўлади. Булар, албатта, вақтинчалик чоралар ҳисобланади. Чунки улар 2-курс тугагач, ўқишни яна Тошкентда давом эттиравердилар.

Ёшлар, яхши таълим олишлари учун бор кучимизни ишга соламиз. Тошкентдан ўқитувчилар вилоятларга хизмат сафарига жўнатилишини ҳам эслатиб ўтмоқчиман. Унгача жойларда рисоладагидек ўқиш учун ҳамма шароитлар яратилади.

Суҳбатдош:
Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

Таассурот

ГАДОНИНГ ЎГИТИ

ЁКИ «ЖАНОБ 420», МЕН ВА ЗАФАР САЛИМОВИЧ

Яқинда Ўзбекистон телевидениеси жаҳон кино санъатининг ноёб дурдоналаридан саналмиш «Жаноб 420» бадиий фильмини неча йиллардан сўнг такрор намойиш этиб, кўп савоб иш қилди. Экрандаги воқеалар, гоҳ ўйноқи, гоҳ мунгли куй ва қўшиқлар сеҳри вужудимнинг қат-қатига сингиб кетган нозик туйғуларни уйғотди, беихтиёр аллақачон унут бўлаёзган ёшлигим оламига — негадир хаёлимда ҳамиша осмони ложувард, дала-боғлари ям-яшил, сойлари зилол гавдаланадиган қишлоғимиз кўчаларига қайтдим. Тенгдошларим билан қора куядан мўйлаб ясаб, дадамнинг эски шляпасини қийшиқ кийиб «Мера жуппа, ҳе жапане»ни хиргойи қилишимиз ва ҳар биримиз ўз Мидияларимизни кўрганимизда қизариб, энтикишларимиз ёдимга тушди.

Экранда кино кетмоқда...

... Ана, муаллима қиз қишлоқ болаларига дарс ўтаётир.

«Иччики данна, биччики данна,
Данни упир, данна...»

Кўзларим ёшдан ачишди, юзларимга қизиллик югурди. Болаларим ҳайрон. Кутилмаган ҳол: ада йиғлаяпти! Шу кинонинг нимасидан таъсирланиш мумкин экан? Уларнинг кўнглидан нелар кечаётганини ҳис этсам-да, эътибор бермадим. Ахир жилла қурмаса бир неча дақиқа мен ҳам ўз хотираларим оғушида яшашга ҳаққим бордир. Бир зум халақит берманглар менга, ширинларим! Майли, кейин бир умр сизларнинг қувончу ташвишларингиз билан яшашга розиман. Аммо ҳозир мурувват қилинглар, мурувват!

Хайрият, одатдаги саволлар берилмади, институтдаги, мактабдаги ҳангомалар муҳокамаси бошланмади, ҳатто худди менга раҳм қилгандек, тиззамда ўтирган кенжатойимиз ҳам эмаклаб нари кетди.

Ўз хаёлларим, туйғуларим, орзу-армонларим билан танҳо қолдим. Энди мен яна қишлоқ гузаридаги деразалари синиқ, поллари ёриқ, Иброҳим отанинг бир ўзи қурган нимқоронғу клубда эдим. Димоғимга аччиқ тамаки ва тер иси урилгандай бўлди. Олдинги ўриндиқлардан қиз боланинг хўрсиниши, орқа томондан нос тупуришу турли кочиримлар эшитилади. Ора-сира йўғон бир овоз «Кўрайлик-да энди» деб ҳаммани тинчлантиради.

Экранда кино кетмоқда...

Олтмишинчи йилларнинг бутун бир авлодини тарбиялаган фильм бу, ахир! Ҳозирги даҳшату ёвузликлар, жиноятчилигу фоҳишабозликлар тасвирланган ленталардан таъсирланган авлодга у қизиқ туюлмас балки. Аммо биз — икки қишлоққа хизмат қилувчи киномеханик Лўнка (Леонид) чўлоқдан «Жаноб 420» ва «Дайди» фильмларини қайта-қайта қўйиб беришни илтимос қилишдан толмасдик. Соф севги, чинакам инсоний муносабатлар ва энг юксак туйғулар куйланган, яхшиликнинг ёмонлик, тўғриликнинг эгрилик, муҳаббатнинг қабоҳат устидан ғалабаси тараннум этилган бундай асарлар руҳимизга сингиб кетгани учун ҳам балки биз ҳозирги ёшларга қараганда кўнгилчанроқ, масъулиятлироқ, эътиборлироқдирмиз.

Экранда кино кетмоқда...

Йўқ-йўқ, кино эмас, биз билиб-билмаган, эшитиб-эшитмаган, кўриб-кўрмаган ҳаётнинг ўзи кўз ўнгимиздан ўтмоқда. Ана, ёнида дипломи бўлган Раж Бомбайнинг ғала-ғовур, тўс-тўполон, бешафқат кўчасида худди саҳродаги йўловчидек ёлғиз ва ҳимоясиз. Бир чеккада тирикчилик қилаётган тиланчи унинг бу ҳолатини кузатиб насиҳат қилган бўлади:

— Бу ерни «Бомбай» дейдилар! Бу шаҳарда рост гапириб кун кўролмайсан, агар ёлғон гапирсанг, ишинг юришиб кетиши мумкин.

Во, ажабо! Тиланчининг кўзларидаги аломатга эътибор бердингизми? Нигоҳида қаҳру ғазаб ҳам, адоват ҳам, жиндек меҳр ҳам бор. У ёш ва соғлом Ражга ҳасад қилади, чунки ўзи қари ва ногирон, тирикчилик оламида йигитчага рақобат қилолмайди, бироқ инсонийлик қиёфасини бутқул йўқотмаган шекилли, фарзанди чоғли дайдини турмушнинг аччиқ сабоқларидан бохабар этади.

«Бу ерни Бомбай дейдилар!»

Заҳарханда хитоб жисмимга электр токидек таъсир қилди, болаликнинг мусаффо, асал хотиралари қуюқ туман пардаси ортида қолди. Қаранг-а! Биз қувноқ ва омадли дайди йигитнинг саргузаштлари, лобар ҳинд қизи Мидиянинг нафосатига мафтун бўлиб юраверган эканмиз-да. Балки, ёшлигимиз боис, асарнинг асл мазмунини тушунмагандирмиз, ёки ўйинқароқ, шўху шодон қалбимиз бу фожиаларни тан олмаган, ҳис қилмагандир.

Ҳар ҳолда ушбу фильмнинг туб моҳияти ва мақсадини энди англаб етибман. Икки серияли узундан-узоқ лавҳанинг бутун ғояси гадойнинг бир оғиз сўзида жамланган экан:

«БУ ДУНЁДА ЁЛҒОН ГАПИРМАСАНГ ЯШАЙ ОЛМАЙСАН!»

Шу топда хаёлимга ёшликдаги яқин дўстим Зафар келди. Ўшанда у район комсомол комитетида ишларди. Йўқлаб борсам кабинетида экан, менга «киравер» ишорасини қилди-да, телефондаги суҳбатини давом эттираверди:

— Хўш, ёздингизми? Яшаворинг! Энди буёғини эшитинг. Сиёсий докладчилар — 67 нафар. Олтмиш етти. Сиёсий ахборотчилар — 83 нафар. Сиёсий ташкилотчилар. Ташкилотчилар деяпман 90 та. Ёздингизми? Ҳа, энди бўлди. Нимани... Есть! Бажарамиз! Хавотир олманг ҳаммаси окей бўлади. Бўпти, хайр, кўришгунча.

У трубкани қўйди-да, менга қўл чўзди.

— Матбуот фронтида, ишлар қалай?

— Бир нави...

— Бир нави эмас, аъло бўлиши керак! Тушунаяпсанми, аъло! Жуда бўшсан-да, биродар. Сичқон овлашни билмайсан.

— Ҳа, сен дўндирасан.

— Албатта-да. Мана ҳозир ўзинг кўрдинг. Обком комсомолга маълумотларни шифтга қараб айтдим.

— Ахир бу ёлғончилик, жиноят-ку.

— Ҳой-ҳой, секинроқ, сал ўпкани бос. Балки сен айтгандек ёлғончиликдир. Аммо шуни талаб қилишади, уларга шу керак. Тушундингми? Қолаверса, нима, рақамлар сохталигини ҳеч ким билмайди дейсанми? Билади, ҳамма билади.

— Ундай бўлса, нега терингни шилиб олишмайди?

У кўзларидан ёш чиқиб кетгунча завқланиб кулди ва қўлини бигиз қилиб деди:

— Ҳамманинг териси шилинаверса бу дунёда ким қолади, биродар? Ҳаётдан ҳамма ўзига керагини олиши зарур. Акс ҳолда яшашнинг қизиғи йўқ.

Экранда кино кетмоқда...

...Ана, очлигу чорасизлик ҳолдан тойдирган Раж мактабдан берилган медалини гаровга топшираётир.

— Бу нима? — сўрайди судхўр медални томоша қиларкан.

— Виждоним!

— Виждонингни сотаяпсанми?

— Йўқ, гаровга қўяман, вақти келиб албатта қайтариб оламан.

Демак, Зафар ҳам виждонини гаровга қўйган экан-да. Қандай даҳшат! Ахир у Ражга ўхшаб очликдан, ишсизликдан қийналмаган эди-ку! Беайб парвардигор. Баъзан ҳақиқатга эришиш, адолат тантанаси учун бор гапни яширишга ҳам тўғри келади. Бироқ бу бир умр ёлғонга ружу қўйиш, тилёғламаликни касб этиш дегани эмаску.

Ҳозир болаликдаги дўстим катта лавозимда. Энди унга Зафар Салимович деб мурожаат қилишади. Яқинда тасодифан учрашиб қолдик. Уй-жой, бола-чақа, ишимни суриштирди, кейин «Интервью олгани келдингми?» деб илжайди. Бу кинояси «ҳалиям ҳарфхўрлик қилиб юрибсанми?» дегани эди. Қовоғим уюлганини кўриб, усталик билан гапни буриб юборди: «Танишинглар, болаликдан дўстмиз, зўр журналист. Агар ҳамма у сингари ҳақиқатпараст бўлганда, қайта қуриш-пайта қуришнинг ҳожати йўқ эди». Шунда боядан бери унинг оғзига тикилиб, менга лоқайд қараб турган хешлари беихтиёр жонланишиб, бирин-кетин «зўр журналистга» таъзим қилишди. Зафар ўзининг қудратини намойиш этаётганидан мамнун жилмаяр, мен эса у «ҳақиқатпараст» сўзига ҳам таҳқирлаш маъносини берганлигидан азобда эдим.

Билмадим, балки у ҳозир тилёғламаликдан тийилгандир. Чунки,назаримда, турмушидан мамнун, ўзи айтмоқчи — «ҳаётдан керагини олиб бўлган» кўринди. Раж сингари гаровга қўйган виждонини қайтиб олгандир ҳам. Бироқ ички бир туйғу иккимизнинг ўртамизда кўринмас ғов борлигидан мени огоҳ этарди. Бу ғов «Жаноб 420»да аниқ тасвирланган экан. Шоҳона саройда, шоҳона ҳаёт кечираётган Саначанд Харманандни ва унинг ошхонасида тайёрланадиган лазиз таомларнинг исидан баҳра олишни ҳам бахтиёрлик деб биладиган кўчадаги уй-жойсиз дайди авомни кўз ўнгизга келтиринг. Ўртамиздаги ғов ана шу сарой деворларига ўхшайди. Юриш-туришида, муомаласида, қарашларида сохталик акс этган, ичу таши қайроқ тошдек сип-силиқ Зафар Саначанднинг ўзи эмасми? Фарқи — Саначанд Бомбайда, Зафар эса Тошкентда. У ҳинд зодагони, бу эса бизнинг амалдор. Фарқи — оч-яланғоч бомбайликлар Хармананд хонадони тафтига исинишганидек, биз мансабдорларимиз елкамизга қоқиб «маладес» деганларидан шодмиз.

Саначандга қийин. Дайдилар баъзи ошхонаси яқинидаги жойни талашиб қийчув кўтаришади, баъзан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўйин-кулгу қилишиб, унга уйқу беришмайди. Ороми йўқолгач, нима қилсин, полицияга мурожаат этишдан бошқа иложи йўқ.

Бизнинг Зафар Салимовичга ҳам осон тутиб бўлмайди. Куни билан кабинетда ўтириб телефонда қуйидан маълумот олиб, бетўхтов юқорига узатади. Дастак ёпишавериб қулоқлар қавариб кетган. Уйига бориб энди оёқ узатай деса, яна қўнғироқ жиринглайди. Болаларига тайинлайди: «Мени йўқ денглар».

— Ким экан?

— Ёрдамчингиз.

— Нима дейди?

— Талабалар тўполон қилишаётган эмиш.

— Милицияга хабар берсин...

Яна чўзилади, аммо ҳеч уйқу келмайди. Кечасиям тинч қўйишмайди-да уни. Бирдан ирғиб туриб, қаёргадир сим қоқади:

— Катта қаерда?

— Ўша жойда эмиш.

— Дарров машина юбор. Эртасига ишхонада юқорига ахборот беради.

— Туни билан ўша ерда эдим. Кўрмагандирсиз-да оломон ичида. Аммо мен сизни кўрдим. Унақа ҳадеб ўзингизни ўту чўққа уравермангиз, ахир биз бормиз-ку.

Есть! Есть! Албатта, албатта!

Ҳой, мен уйда бўламан. Кимга нима дейишни биласан-а. Юқоридан сўрашса, ўшаққа кеттилар дегин. Тушундингми?

Тушунади, нега тушунмас экан! Агар тушунмаса у жойда ишламайди.

Зафар Салимовичлар зиғир ёғидан ош еяётган пайтда Катта ўз ёғига ўзи қовирилади: қандай қилай, ҳамиша атрофимда қўл қовуштириб турадиган ноибларимни зарур пайтда топа олмасам. Пастдан бериладиган маълумотлар ҳар доим тўғри чиқавермаса.

Қандоқ қилай?

У қандоқ қилишни яхши билади. Аммо Зафар Салимовични суриб юборса, ўрнига яна шунга ўхшаш бошқаси келади. Каттада эса одам виждонини гаровга қўйган-қўймаганлигини билдирувчи аппарат йўқ. Шундай аппарат ўйлаб топилмагунча аҳвол ўзгармайди, у адашаверади.

Очиғини айтганда, ҳозир Тошкентнинг Бомбейдан фарқи катта. Бу ерда одамлар ошхонадан таралаётган хушбўй исни ҳидлашга қаноат қилмай қўйишди.

...Алламаҳалда фильм ҳам тугади. Ётдиму кўзимга сира уйқу келмайди. Нуқул эртага қандай кино бўлишини ўйлайман. Қанийди яна «Жаноб 420»ни қўйишса! У мени борлиқни энг ёрқин рангларда тасаввур этган, бу дунёда яшашнинг ўзи катта БАХТ деб ўйлаган беғубор ёшлигимга қайтаради.

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари таҳририятининг жамоаси таҳририят ходими А. П. Заровскийга акаси

Михаил Петрович ЗАРОВСКИЙнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, мусибатига шерик эканлигини билдириб, унга сабр-тоқат тилайди.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608.

Буюртма № 217. 100000 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.30.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12